

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида 330.3(336)

ЮЛДОШЕВ ФАРРУХ ФАХРИДДИНОВИЧ

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА
СОЛИШДА БОЖХОНА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мутахасислик: 5A230601 «Давлат молиясини бошқариш»

Магистр академ даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар:

проф. Худойбердиев З.

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	2
I БОБ.	БОЖХОНИ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1.	Бож сиёсатининг иқтисодий моҳияти ва уни амалга оширишнинг зарурияти.....	8
1.2.	Божхона тўловлари, уларнинг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари.....	20
1.3.	Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	36
	I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....	41
II БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЖХОНА ХИЗМАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	42
2.1.	Давлат бюджети даромадларида божхона божларининг салмоғи ва динамикасининг таҳлили.....	42
2.2.	Божхонада ҚҚС ва акциз солиқларини ундириш механизмининг таҳлили.....	48
2.3.	Божхона божларини ҳисоблаш ва ундириш амалиётининг таҳлили.....	59
	II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....	72
III БОБ.	ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА БОЖХОНА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	73
	III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	83
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	85
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	88
	ИЛОВАЛАР.....	99

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳоннинг йирик давлатларида юзага келган молиявий инқирози бутун бир иқтисодиётни танг ҳолатга келтирган бир шароитида мамлакатимиз молия муносабатларида, жумладан, давлатнинг молиявий назорати ва божхона назоратини янада жадаллаштиришни талаб этмоқда. “Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,2 фоизни ташкил этди, 2000 — 2012 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошди. Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012-йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди”¹.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар ўтказилишида божхона назоратини шунингдек, ташқи иқтисодий муносабатларни амалга оширишда божхона назорати аҳамиятини янада оширади. Бу борада муҳтарам юртбошимиз қуйидагича таъкидлайди: “Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3-йилдан 7-йилгача бўлган муддатга кенг қўлланли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма

¹ Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг қўлланли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш Т.: “Ўзбекистон”, 2013 й. 64 б.

объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда”²

Ўзбекистон Республикасининг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо муносабатлари ривожланишида божхона тизимида яратилаётган ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги соҳага сезиларли самара бермоқда. Жумладан, Олий Мажлис томонидан 1997 йилда «Божхона кодекси», «Бож тарифи тўғрисида»ги ва “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги, ҳозирда ривожланган давлатларнинг божхона тизими чуқур таҳлил қилиниб, жаҳон стандартларига мос бўлган янги таҳрирдаги «Божхона кодекси»нинг яратилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва Қарорлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига четдан товар олиб келиш ва олиб чиқиш масалаларига бағишлаб қабул қилган қарорлари ташқи савдони тартибга солишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташқи савдо ривожининг тарифли бошқаруви ва божхона тартиби жаҳон иқтисодий тизимига республикаимизнинг интеграциялашувига йўналтирилган умумий мақсад билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур масаланинг муҳимлиги шундаки, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг бош режа даражасига кўтарилганлиги янги босқич бошланганлигининг яққол исботидир.

Ўзбекистон ташқи савдо муносабатлари бошқарувини ривожлантириш тизими, қисқа вақт ичида экспортга мўлжалланган маҳсулотларга имтиёзли ёндошиб, аксарият ривожланаётган давлатлар учун характерли бўлган янги

² Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – 36 б.

тараққиёт босқичига чиқиб олди. Мазкур ўзгаришларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш талабларидан келиб чиқмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини олдини олиш бўйича чоралари ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун энг аввало божхона назоратларини жаҳон андозалари даражасига яқинлашувига эришиш зарур. Шу билан бирга, мамлакат миқёсида барча бўғинлардаги божхона тизими, ўз фаолиятида ана шу қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг сўзсиз бажарилишига эришиши зарур. Ана шундагина божхона механизми мамлакат ташқи иқтисодий муносабатларини кенгайтишига кўмаклашувчи омил сифатида намоён бўлади.

Юқоридаги мазкур ҳолатлар божхона назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, бу танланган битирув малакавий иш мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Молиявий назорат ва божхона назорати асосларининг назарий асосларини С.Фишер, К.Макконнелл, Стенли Л.Брю, А.Лаффер, А.Шеремет, В.Пансков, Б.Сабанти, Д.Черник, Б.Болдирев, Г.Поляк, В.Романовский, Безденежных А.В., Малишева В.И, Г.Б.Поляк, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Б.М.Сабанти ва бошқаларнинг ишларида кэнг ёритилган.

Ўзбек иқтисодчи олимларидан М.Шарифхўжаев, О.Олимжонов, А.Вахобов, Т.Маликов, Н.Хайдаров, О.Иминов, А.Ўлмасов, Х.Собиров, А.Қодиров, Қ.Яхёев, Э.Гадоев, Э.Ақромов, А.Жураев ва бошқалар.

Шу билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги шароитда божхона назоратини мустаҳкамлаш ва муаммолари ҳамда аҳамиятининг ўсиши ушбу жараёни янада чуқур тадқиқ этишни, унинг долзарб муаммоларига ечим топишни талаб этади.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси божхона назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари учун зарур шароитни яратишга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларни ташкил этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилди:

–жаҳон молиявий инқироз шароитида давлат божлари ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини очиб бериш;

–давлатнинг молиявий назорати ва бугунги кундаги заруриятини ўрганиш;

–Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган божхона тўловлари ва уларни ундиришда назоратнинг ҳуқуқий асосларини ёритиш;

–давлат бюджети даромадларида божхона божларини иқтисодий ҳолатини кўриб ўтиш;

–божхонада ҚҚС ва Акциз солиқларини ундириш тартиби билан танишиш;

–божхона божини ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Божхона божини тўланишида бериладиган имтиёزلарни кўриб ўтиш;

–жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi шароитида божхона назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Божхона божлари ишнинг объекти ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишининг предмети. Мамлакатимиз божхона божлари таҳлили, уларнинг даромадларини шаклланиш манбалари ва самарали бошқариш ва назорати бўйича дуч келаётган мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва услубий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чиқишлари, илмий рисоалар, фармонлари, Олий Мажлиснинг қабул қилинган қарор ва қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия ва Ижтимоий соҳа Вазирликларининг йўриқномалари илмий ишнинг методик асослари ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар олимлари, мутахассисларининг ижтимоий соҳани молиялаштириш бўйича амалга оширган ишлари илмий ишнинг назарий асосини ташкил этади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- республика иқтисодий ўсишини ва унинг самарадорлигини ошириш ривожлантириш, хусусиятлари ва муаммолари ёритилди;

- иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди ва улардан республикамизнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижобий фойдалана олиш имкониятлари асослаб берилди;

- аҳолини иш билан тўла таъминлаш ва халқ фаровонлигини ошириш бўйича эҳтиёжи ва имкониятларининг мувозанатини таъминлаш жиҳатидан ўрганилди, уни такомиллаштириш зарурияти аниқ маълумотлар асосида таҳлил этилди ва асосланди;

- иқтисодий барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф этиш устиворлиги давлатнинг инвестицион фаолияти нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди;

- иқтисодий интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш каби умумий аҳамиятга молик тавсияларни беради.

- Мамлакатимизда божхона тизимини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертация иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий изланишлар натижасида олинган илмий таклиф ва тавсиялар давлат молиясини бошқариш ва тартибга солишда божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалардан оқилона фойдаланиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, унинг аҳамиятини ошириш чэт эл тажрибаси ҳамда амалиётини янада ривожлантириб бориш мақсадларида фойдаланиш ўз самарасини беради.

Магистрлик диссертация ишининг натижаларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети” “Божхона божлари” “Молиявий назорат” каби ўқув курслари дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда қулланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишда кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхатидан иборатдир. Ишда 4 та расм, 4 та жадвал, мужассамлашган.

I БОБ. БОЖХОНИ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бож сиёсатининг иқтисодий моҳияти ва уни амалга оширишнинг зарурияти

Ташқи савдони бож тарифи орқали тартибга солишдан асосий мақсад-Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Эркин халқаро савдони ривожлантириш учун товарларни экспорт ва импорт қилишда миқдорий чекловларни, товарларнинг эркин ҳаракат қилиш йўлидаги бошқа тўсиқларни бекор қилишга қаратилган хорижий давлатлар билан халқаро шартномалар тузиш асосида жаҳон миқёсига чиқиш мумкинлиги И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» асарида алоҳида таъкидланган.³

Мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш борасида амалга ошириш зарур бўлган ишлар хусусида Президент И.А.Каримов «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» асарида тўхталиб, «Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин»,⁴ деб таъкидлаган эди.

³ Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда», Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил. 20 бет.

⁴ Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – Пировард мақсадимиз» Тошкент, «Ўзбекистон» 2000 й.112 б.

Ташқи савдони бож тарифи орқали тартибга солишдан асосий мақсад-Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Эркин халқаро савдони ривожлантириш учун товарларни экспорт ва импорт қилишда миқдорий чекловларни, товарларнинг эркин ҳаракат қилиш йўлидаги бошқа тўсиқларни бекор қилишга қаратилган хорижий давлатлар билан халқаро шартномалар тузиш асосида жаҳон миқёсига чиқиш мумкинлиги И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида алоҳида таъкидланган.⁵

Божхона тарифи лойиҳасини ишлаб чиқишда ташқи савдо алоқаларини эркинлаштириш, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, рақобат ва ҳамкорлик ўртасидаги ҳақиқий мувозанатни таъминлаш, замонавий техника ва технологияларни республикага олиб кириш, чет эллик инвесторларга ва Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий битимларни тузган мамлакатларга қулай савдо режимини шакллантириш принципларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги куннинг долзарб масалалардан бири, «Божхона кодекси»нинг 103-моддасида кўрсатиб ўтилган, божхона тўлов турларини тўғри белгилашдир. Божхона тўловларини белгилашда протекционизм ва эркин савдо сиёсатини эътиборга олиш, ички ишлаб чиқарувчиларни носоғлом рақобатдан ҳимоя қилиш, товар истеъмол қилувчилар ҳуқуқларини поймол қилмаслик, товарларнинг контрабанда йўли билан мамлакат ҳудудига олиб кирилишини ёки мамлакат ҳудудидан олиб чиқилишига йўл қўймаслик ва ниҳоят республика бюджетининг даромад қисмини тўлдириш билан боғлиқ бўлган омилларни ишлата билиш зарур.

⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил. 20 бет.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий, маъмурий, тариф ва нотаиф усуллар билан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни иқтисодий усуллар билан тартибга солишнинг асосий қисмини тариф усули (яъни бож орқали) ташкил қилса, қолган қисмини солиқ ва йиғимлар ташкил қилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тарифларининг роли жуда каттадир. Чунки улар ички бозорни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилишга йўналтирилгандир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали тартибга солишда асосий ролни импорт божлари эгаллайди.

Жуда кўп ҳолларда, импорт қилинаётган товар турлари ички бозорда ҳам ишлаб чиқилиши туфайли, уларга нисбатан рақобатни вужудга келтирадилар.

Бундай товарларга импорт божини белгилашда дунё бозори билан ички бозордаги сарф харажатлар ва нархлар орасидаги тафовут ҳисобга олиниши керак. Товар гуруҳлари ва маҳсулот турлари сарф-харажатлари ва нархлари орасидаги фарқ катта бўлиши мумкин бўлганлиги сабабли уларга нисбатан белгиланадиган импорт божларининг ставкалари (миқдорлари) ҳам ҳар хил бўлмоғи лозим.

Божхона божларини шакллантиришда, албатта уларнинг иқтисодий характери ва бажараётган вазифасини ҳисобга олиш керак, чунки бу омиллар божнинг асосли эканлиги тўғрисидаги принцип ва усулларни аниқлайди.

Божхона тарифлари ва божлари, давлат савдо сиёсатининг асосий омили ҳисобланиб, қуйидагича тавсифланади:

- савдо сиёсати ва мамлакат ички бозорининг дунё бозори билан ҳамқадам бўлишини давлат томонидан тартибга солиш;

- божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан қўлланиладиган ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ

ТН) асосида тизимлаштирилган божхона божлари ставкаларининг мажмуидир.

Бож тариф сиёсати асосан қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

- Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларнинг муқобил товар таркибини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни олиб кириш ва унинг божхона ҳудудидан олиб чиқиш ҳамда валюта даромадлари сарфларининг мутаносиблигини қўллаб- қуватлаш;

- Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ва истеъмол таркибида илғор ўзгаришлар бўлиши учун шарт-шароит яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини носоғлом чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашуви учун шарт- шароит яратиш.

Аввал Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган тариф ставкалари жуда ҳам хилма-хил бўлиб, уларнинг миқдорлари айрим товарларга нисбатан катта, яъни 30-100% гача бўлган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятни енгиллаштириш (либерализация), импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида ҳамда жаҳон савдо ташкилотининг талаби ва унга аъзо давлатларнинг тариф ставкалари тажрибасидан келиб чиқиб, 2002 йили 31 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 189-сонли қарори асосида импорт божхона божларининг янги ставкалари тасдиқланиб, 2002 йил 1 июлдан қўлдан киритилди.

Бу тарифда ставкаларни содда, қулай, Республикада ишлаб чиқилмайдиган ички бозорда етишмайдиган товарлар импортини енгиллаштириш кўзда тутилган. Кўпгина товар субпозицияларига ноль ставка белгилаш билан бирга, импорт божхона божларининг ставкаларини асосан уч

группага божхона қийматидан 10-30% адвалор (товарларнинг божхона қийматидан фоизда ҳисобланадиган) ставкалар ва кўп бўлмаган товар позицияларидан эга аралаш ставкаларга (адвалор ва хос яъни фоизда ва ҳар бир товар донасига белгиланган ставкалар) ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги «Эспорт-импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-183 Қарорида импорт божхона божлари ва олиб кириладиган акциз товарларга қўлланадиган акциз солиғи ставкалари тасдиқланди. Бу қарорнинг хусусияти шундан иборат эдики, унда аралаш божлар (адвалор + хос божлар) ставкалари кўпайтирилди. Натижада божхона тўловлари ҳисобидан тушадиган маблағлар миқдори кўпайди.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда тариф усулларида фойдаланиш, тарифни чет эл тажрибасидан ва жаҳон савдо ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб такомиллаштирилгани мамлакат ички ишлаб чиқарувчиларини самарали ҳимоя қилади ҳамда давлатнинг фискал сиёсатини амалга ошириб, бюджетнинг даромад қисмини бойитади.

Ҳар қандай давлат бўлишидан қатъий назар савдо сиёсати иқтисодий тараққиёт учун муҳим омил ҳисобланади ва бож тарифи орқали тартибга солиш унинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Бож тарифи (customs tariff) ўз ўрнига қараб қуйидагича аниқланади:

- савдо сиёсатининг асосий қуроли ва давлатнинг ички бозорни тартибга солиш воситаси, шунингдек жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва ўз таъсирини ўтказиш мақсадида ҳам қўлланилади;

- бож тарифида кўзда тутилган божхона божлари ставкалари божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари учун ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатураси асосида белгиланади;

- божхона божининг аниқ ставкаси, аниқ бир товарни божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқишда қўлланилади;

Ўзбекистон Республикасининг “Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунига асосан қуйидаги бож турлари мавжуд:

1. Импорт
2. Экспорт
3. Мавсумий
4. Махсус

Импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади.

Импорт божхона божи товарларни импорт қилинаётганда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади. Экспорт божи товарларни экспортга расмийлаштиришда ундирилади.

Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда жорий этилади.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

Махсус божлар, башарти, ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб

чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кириладиган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек бошқа давлатлар томонидан қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» ги Қонунига асосан қуйидаги бож турлари қўлланилади:

1. Антидемпинг
2. Компенсация

Демпинг нархларидаги товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож **антидемпинг бождир**.

Агар демпинг нархларидаги товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказадиганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдирадиганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан антидемпинг божи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига экспорт нархи ўзининг нормал қийматидан паст бўлган товар импорти демпинг нархларидаги товар импортидир.

Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш учун сотилган товарга амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх товарнинг экспорт нархидир.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозорида истеъмол қилиш учун мўлжалланган ўхшаш товарнинг одатдаги савдо жараёнидаги нархи ёхуд ўхшаш товар экспорт қилувчи мамлакат бозорида сотилмаётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра лозим даражада таққослашни ўтказиш имконияти бўлмаса, товар келиб чиққан мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатлари

асосида оқилона чиқимларни ва фойдани қўшган ҳолда ёхуд Ўзбекистон Республикаси билан бир хил шароитдаги учинчи мамлакатга экспорт қилинадиган ўхшаш товарларнинг нархлари асосида одатдаги савдо жараёнида аниқланадиган нархи товарнинг нормал қийматидир.

Антидемпинг божи демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Антидемпинг божи ва муваққат антидемпинг божининг ставкалари демпинг маржаси миқдоридан ошмаслиги лозим.

Антидемпинг божи товар етказиб берувчиларнинг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Субсидия билан таъминланган товар импорти учун импорт божидан ташқари ундириладиган бож **компенсация божидир.**

Агар субсидия билан таъминланган товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан компенсация божи қўлланилади.

Ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ёки ташиш пайтида чет давлатнинг субсидиясидан фойдаланилган товарнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорти субсидия билан таъминланган товар импортидир.

Компенсация божи субсидия билан таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур миқдорда ва муддатда қўлланилади.

Компенсация божининг ставкаси субсидия билан таъминланган товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишда шу

товарнинг бирлиги ҳисобига чет давлат субсидиясининг текширувда аниқланган миқдоридан ошмаслиги лозим.

Битта товарга нисбатан бир вақтнинг ўзида компенсация ва антидемпинг божи қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Божхона божлари асосан учта функцияни бажаради:

- фискал, яъни импорт ва экспорт божлари орқали давлат бюджетининг даромадлар қисми тўлдирилади;

- протекционистик (ҳимоя) импорт божи орқали давлат ўзининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини кутилмаган рақобатдан ҳимоя қилади;

- мувозанатлаштирувчи, агарда айрим товарлар жаҳон бозорларидаги нархларидан паст бўлса, экспорт божлари орқали экспорт қилиш мумкин бўлмаган товарларни четга чиқиб кетишини олдини олишда ишлатилади;

Божхона божларининг синфланиши:

Ундирилиш усулига кўра:

- *адвалор*— товарнинг божхона қийматидан фоизда ҳисобланиб ундирилади (мисол учун товарнинг божхона қийматидан 20% миқдорида)

- *специфик (хос)* – *товар бирлигидан ўрнатилган тартибда ундирилади (мисол учун ҳар бир дона товар учун 10 доллар)*

- *аралаш* – юқорида кўрсатилган иккала турдаги бож турини ўз ичига олади (мисол учун товарнинг божхона қийматидан 20% лекин ҳар бир донасидан 10 доллардан ошмаган ҳолда ёки товарнинг божхона қийматидан 20% ва унга қўшилган ҳар бир донасидан 10 доллардан ошмаган ҳолда)

Адвалор божлар савдога солинадиган солиқдан фарқли равишда бир хил турдаги товарларга фақат уларнинг сифати турлича бўлган ҳорлларда кўпроқ қўлланилади. Адвалор божларини қўлланилиши ички бозорни бир хилда ҳимоялаб туради ва ҳар қандай товар нархи тебранишлари бюджет даромадларини ўзгартира олмайди яъни товарнинг нархи ўсиши ёки пасайиши фоиз ставкасига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди балки нархлар

Ўзгариши билан у ҳам мунтазам ўзгариб боради. Мисол учун 200 доллар турадиган товарга 20%ли адвалор бож ставкаси ўрнатиладиган бўлса бу фоиз ставкасининг пулдаги кўриниши 40 долларга тенг бўлади. Товар нархининг 30 долларга ошиши бюджет даромадларининг ҳам 60 долларга ошишига олиб келади, агарда товарнинг нархи 100 долларга тушадиган бўлса давлат бюджети даромадлари ҳам 20 долларга қисқаради. Адвалор божларининг салбий томони божхона қийматини тўғри ҳисоблашни талаб қилади, уларнинг тўғри ҳисобланиши божларнинг ундирилишини самарадорлигини оширади. Товар нархига кўп томонлама иқтисодий ва маъмурий омилларнинг таъсир этиши адвалор божларидан фойдаланишда субъектив боҳолаш масаласида бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

1.1.1-жадвал

Божхона божларини синфланиш жадвали⁶

Ундирилиш усулига кўра	Хос	Адвалор	Аралаш
Ундирилиш объектига кўра	Импорт	Экспорт	Транзит
Тавсифланишига кўра	Мавсумий	мпорт и қарши	Компенсацион
Келиб чиқишига кўра	Автоном	Конвенцион	Преференциал
Ставкаларнинг турлари бўйича	Доимий	Ўзгарувчан	-
Ҳисобланишига кўра	Номинал	Самарали	-

Хос божлар стандарт товарларга нисбатан қўлланилади ва божхона божларини ундириш жараёнларида маъсулиятни суистеъмол қилиш эҳтимолини камайтиради. Биргина хос божлардан фойдаланган ҳолда божхона божларини ундирадиган бўлсак унда хос божларнинг товарнинг нарх тебранишларига юқори даражада боғлиқлигини кузатамиз. Мисол учун

⁶ Магистрлик диссертация ишини ёзиш давомида магистрант томонидан акс эттирилди.

8000 доллар турадиган автомобилдан 1000 доллар миқдорида хос бож ундирилса ушбу автомобилнинг нархи 12000 долларга ўзгариши 12,5%ли божни 8,3%га тушишига олиб келади, бунга сабаб хос тариф ставкаларининг қўлланилганлигидир. Бошқа томондан олиб караганда иқтисодий инқироз пайтида ёки тушиш даврида хос божлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали ҳимоя қилади. Қуйидаги жадвалга эътиборни қаратмоқчимиз.

Ундирилиш объектига кўра :

- *импорт* – божи, давлатнинг ички бозорига эркин муомала учун киритилаётган товарларга нисбатан қўлланилади. Асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилишда қўлланилади.

- *экспорт* – божи, давлат божхона чегарасидан чиқиб кетаётган товарлардан удирилади.ва бундан асосий кўзланган мақсад ички бозордаги нархларни жаҳон бозоридаги нархларни тенглаштирилади;

- *транзит* – божи, давлат ҳудудидан ўтиб кетаётган транзит товарлардан ундирилади. Бу асосан савдо урушлари пайтида қўлланилади.

Тавсифланишига кўра:

- *Мавсумий* – божлар, асосан халқаро савдони тезкор тартибга солиш мақсадида қўлланилади, мисол учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. Одатда уларнинг мудати бир неча ойдан узоғи импорт бир йилдан ошмаслиги керак.

- *Демпингга қарши* – божлар, ички бозорга паст нархларда олиб кирилатган товарларга нисбатан қўлланилади, агарда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бундай нархларда товар олиб кириш зарар етказса импорт бож турининг қўлланиши самарали натижа беради ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиради;

- *компенсацион* – божлар, бундай турдаги божлар бевосита ва билвосита субсидиялар олиб ишлаб чиқарилган ва арзон нархда ички бозорларга кириб келган товарларга нисбатан қўлланилади;

- *махсус* – божлар. Одатда бундай божлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш импорт бирга савдо муносабатларида ишлаб чиқилган хорижий давлатлар сиёсатига жавоб тариқасида ҳам давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда қўлланилади.

Бундай турдаги асосий божлар ҳамкорлар томонидан мажбуриятлар суистеъмол қилинган ҳолда қўлланилади. Бундай божлар қўлланилишида асосан икки томонлама шартнома ва келишувлар муҳим рол ўйнайди ҳамда улар сиёсий йўл импорт ҳал қилинади. Бундай турдаги божлар бошқа бож турлари қўлланилмаган ҳолатда ёки бузилганда ишлатилади.

Келиб чиқишига кўра:

- *автоном* – божлар, ҳукумат органларининг бир томонлама ҳаракати натижасида вужудга келади. Бундай пайтда асосий қарорни давлат қабул қилади ва аниқ бож ставкалари ўрнатилади.

- *конвенцион (шартномали)* – божлар, икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади ва қўлланилади.

- *преференциал* – божлар, бож тарифи ставкаларидан паст кўринишда қўлланилади ва ундирилади ҳамда ривожланаётган давлатларда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида қўлланилади. 1971 йилдан бошлаб импорт тарифи ставкаларини камайтириш ҳисобига ҳам ривожланаётган давлатларда бир қатор ютуқларга эришилган.

Ставкаларининг турлари бўйича:

доимий – бож тарифи, ставкаси ҳукумат томонидан ўрнатилган бўлиб қайсики ўзгартириш мумкин эмас.

- *Ўзгарувчан* – бож тарифи, давлат органлари томонидан ўрнатилган ва ўзгартирилиши мумкин бўлган тариф ставкалари киради бунда асосан ички нархларни жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш жараёнида қўлланилади. Мисол учун Европада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ягона нархини белгилашда қўлланилади.

Ҳисобланиш усулларига кўра:

- *номинал* – тариф ставкаси, бож тарифида кўрсатилган тарзда ўрнатилади. Улар давлат импорти ва экспортини ривожлантириш жараёнида умумий тарздаги божхона божларини ундирилишини ўзида акс эттиради.

- *самарали* – божхона божларининг реал қийматини товарнинг охириги нархида акс эттиради

1.2. Божхона тўловлари, уларнинг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш борасида амалга ошириш зарур бўлган ишлар хусусида Президент И.А.Каримов «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» асарида тўхталиб, «Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин»,⁷ деб таъкидлаган эди.

Назорат – бу бирор ишнинг, нарсанинг ахволи, кишининг юриш-туриш ва шу каби устидан доимо кузатиш, текшириш. Назорат – давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган ўоидаларга давлат томонидан белгиланган ўоидаларга хўжалик субъектлар, мансабдор шахслар риоя этишини контроль ўилишдан иборат фаолиятдир.


Молиявий назорат – бу молиявий текшириш ва у билан боғлиқ бўлган масалалар ҳаракатини ва муомаласини мажмуи бўлиб, хўжалик субъектлари

⁷ Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – Пировард мақсадимиз» Тошкент, «Ўзбекистон» 2000 й.112 б.

фаолятини ва бошқаришни ўзига хос усуллар ва шакллар ёрдамида ташкил этиш.

1.2.1-расм

Молиявий назоратнинг эленментилари⁸



Давлатнинг молиявий назорати ҳар бир давлатнинг муҳим функцияси бўлиб, молия-кредит тизимини нормал ҳаракат ўилишига албатта бажарилиши керак бўлган шартларидан биридир. Қаршиликлар

⁸ Ваҳобов А, Т.Маликов “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланмасидан фойдаланилган. 2008 й, 316 б.

муносабатларида асосланган, бозор иқтисодиётига ўтиш режасида, иқтисод ўзини бошқаришига барқарор ва самарадорли ҳаракатларга алоҳида эътибор берилган. Бу, молиявий назоратни айрим бўғинларини йўқ қилишга асос бўлиб ва қолганларни интизомини бўшаштиришга олиб келди, ишларни реал ахволини, молиявий интизомни бузилишини, суистеъмолни бартараф қилолмади.

Молия назорат вазифасининг мавжудлиги ўз-ўзидан молиявий назорат мавжудлигини келтириб чиқармайди, у тегишли давлат органларининг муҳим ташкил этувчи фаолиятини тақозо этади.

1. Молиявий назорат - кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда молия муҳим ролининг бир кўринишидир.

2. Молиявий назорат давлат бошқарув органлари фаолиятининг турларидан бири сифатида намоён бўлади.

3. Молиявий назорат - бошқарувнинг тартибга солиш, режалаштириш, ҳисоб-китоб ва ҳўжаликни юритувчи субъект фаолиятининг таҳлили сингари мустақил вазифасидир.


4. Тақсимлаш муносабатлари орқали молиявий назорат ишлаб чиқариш, айирбошлаш, муомала ва истеъмол муносабатларига татбиқ этилади.

Шундай қилиб, молиявий назорат - давлат томонидан ташкил этилган, назорат қилиш вазифалари юклатилган давлат ёки мустақил жамоат органлари томонидан ҳукумат, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга қаратилган назорат тизимидир. Давлат бюджетини шакллантириш ва сарфлашдаги резервларни, молиявий ва моддий ресурсларни бошқаришнинг барча даражаларида операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини, қонунийлик принципларидан четга огиш ва уларни бузишларни аниўлаш назорат тизими вазифасига киради. Назорат мақсади - тузатиш чораларини кўриш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ва бузишларнинг олдини олишдан иборат.

Назорат вазифаларини ифодаловчи органлар нazorат субъектлари ҳисобланади. Назорат объектлари - молия тизими ва иўтисодий самарадорлигини текшириш лозим бўлган молия-хўжалик-тижорат тузилмалари пайдо бўлганида нazorат субъектлари (тафтишчилар)ни ташкил этиш зарурати пайдо бўлади.

1.2.2-расм.

Давлат молиявий нazorатнинг моҳияти ⁹



⁹ Ваҳобов А, Т.Маликов “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланмасидан фойдаланилган. 2008 й, 316 б.

Назоратнинг ҳар бир типи учун субъект ва объектни белгилаймиз.

Давлат ҳокимияти, биринчи навбатда қонун чиқарувчи органлар ва ижроия ҳокимияти ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган бошқарув органлари бюджет-молия назоратининг субъектлари сифатида иштирок этадилар.

Ўзбекистонда бу Олий Мажлис (парламент), президент девони, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси, Давлат божхона қумитаси, Марказий банкдир.

Молия-хўжалик назорати моддий ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилиб, унинг субъектлари - тармоқ вазирликлари, идоралар, объектлари - заводлар, фабрикалар, қурилиш ташкилотлари ва бошқалардир.

Акциядорлик жамиятлари, хусусийлаштириш ва инвестиция фондлари, хусусий фирмалар ва суғурта компаниялари сингари нодавлат объектлар пайдо бўлиши билан молиявий назоратнинг мустақил субъекти - аудиторликни юзага келтириш ва ривожлантириш учун зарурат туғилди; бу Ўзбекистон учун молиявий назоратнинг янги ташкилий шаклидир. Ҳар қандай корхона, ташкилот, ҳар қандай мулкчилик шаклидаги ҳар ўандай хўжалик бирлиги унинг объекти бўлиши мумкин.

Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир. Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда (аспектда) қаралади:

- барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус ташкил этилган назорат органларининг қаттиқ регламентация қилинган (тартибга солинган) фаолияти;
- молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро- ва микродаражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас эленменти.

Молиявий назоратнинг ҳар икки йўналиши (аспекти) бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, назоратнинг мақсади, методи ва субъектларига мувофиқ равишда фарқланади ҳам. Агар биринчи ҳолда назоратнинг ҳуқуқий ва миқдорий томонлари устунлик қилса, иккинчи ҳолда молиявий назоратнинг аналитик томонига жуда катта эътибор берилади.

Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назоратга молиявий назорат дейилади. Бу назорат, энг аввало, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида молиявий-иқтисодий қонунчиликка риоя этилиши, молиявий-хўжалик операцияларининг самарадорлигини баҳолаш ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ўз ичига олади. Бошқача сўзлар билан айтганда, молиявий назорат у ёки бу молиявий ҳаракат содир бўлишининг баҳолашни ўз ичига олиш билан чекланмасдан, балки у ўзининг аналитик йўналишига (аспектига) эгадир.

Молиявий назорат қиймат шаклида амалга ошириладиган назорат бўлганлиги учун ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида амалга оширилади ва пул фондлари ҳаракатининг барча жараёнларида, шу жумладан, молиявий натижаларни идрок этиш жараёнида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам молиявий назоратнинг объекти пул муносабатлари ҳисобланади.

Молиявий назоратнинг предмети қуйидаги молиявий кўрсаткичлардан иборат:

- турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари;
- солиқ тўловларининг ҳажмлари (миқдорлари, ўлчамлари);
- хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари;

- таннарх ва фойда;
- уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратнинг предмети ҳисобланган юқоридаги кўсаткичларнинг кўплари ҳисобли кўрсаткичлар ҳисобланади ва бу нарса, ўз навбатида, уларнинг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда ҳисобланишининг тўғрилиги ва ишончилигини текширишни (назорат қилишни) тақоза этади.

Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли бўлиб хизмат қилади. У ҳам давлатнинг ва ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва иккинчи томондан, алоҳидалашган (мустақил бўлган) икки соҳага бўлинади¹⁰:

- давлат молиявий назорати;
- нодавлат молиявий назорати.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакатнинг Конституцияси ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Унинг ҳуқуқий регламенти давлатнинг типига, унинг социал-сиёсий йўналтирилганлигига, иқтисодий тарққиёт даражасига, мулкчилик шакллариининг нисбатига боғлиқ.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат пропорцияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий

¹⁰ Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: давлат молиявий назорати; контрагентлар билан молиявий-ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат; нодавлат молиявий назорати. (Қаранг: Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д.Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.23).

ресурсларини шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига (тарқатилади) тегишли ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни ишлаб чиқиш, муҳофаза қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни англатади. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан белгиланган (аниқланган) бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида ва ҳам хусусий ҳамда корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Бироқ иқтисодиётнинг нодавлат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари ва кредитларини сарфлашда мақсадга мувофиқлилик ва қонунийликнинг риоя қилиниши ва шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган (белгиланган) пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Нодавлат молиявий назорати иккига бўлинади: ички (фирма ичидаги, корпоратив) ва ташқи (аудиторлик)¹¹.

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари (кўринишлари, турлари) назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамасдан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ ҳам қилади. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурсларни тушуришни максималлаштириш ва давлат бошқарув

¹¹ Нодавлат молиявий назорат хусусида ушбу бобнинг параграфида батафсилроқ тўхталанилади.

харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга карама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат. Бир вақтнинг ўзида молиявий назоратнинг ҳар икки соҳаси амалдаги қонунларнинг ҳуқуқий рамкаси билан чеклаб қўйилган.

Молиявий назоратнинг қуйидаги бошқа принциплари келиб чиқиши мумкин:

- натижалилик;
- назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва мантиқийлиги;
- назорат субъектларининг сотиб олувчанмаслиги;
- текшириш ва тафтиш актларида келтирилган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги;
- превентивлик (молиявий бузилмалар эҳтимолининг огоҳлантирилувчанлиги);
- молиявий жиноятлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбсизлик (судгача) презумпцияси;
- турли назорат органлари фаолиятларининг мувофиқлаштирувчанлиги;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни ташкил қилиш тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи қонунлар қабул қила туриб, ҳар бир давлат, одатда, юқоридаги принципларга таянади (асосланади). Бир вақтнинг ўзида, ҳар бир давлатда назорат ҳаракатларининг ўз регламенти (тартиби ва кетма-кетлиги) мавжуд бўлиб, бу нарса пировардида молиявий назоратнинг натижаларига ўз таъсирини, албатта, кўрсатади.

Молиявий назоратнинг муваффақиятли ва самарали ўтказилиши унинг ташкил этилиш даражасига ва назоратнинг турлари, шакллари ва уни ўтказишнинг методларига боғлиқ.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумдавлат молиявий назорати;
- идоравий молиявий назорат;
- хўжалик ичидаги молиявий назорат;
- жамоатчилик молиявий назорати;
- мустақил молиявий назорат.

Умумдавлат молиявий назорати давлат ҳокимият органлари (президент, ҳукумат, Олий мажлис, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Бу турдаги молиявий назоратнинг бош мақсади даромадларнинг тушиб туриши ва давлат харажатларининг сарфланиши бўйича давлат ва жамиятнинг манфаатларини таъминлашдан иборат.

Идоравий молиявий назорат вазирликларнинг назорат-тафтиш бошқармалари ва бошқа таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилиб, шу идорага бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятини қамраб олади.

Хўжалик ичидаги молиявий назорат корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий хизматлари томонидан ўтказилади. Бу ерда молиявий назоратнинг объекти сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти майдонга чиқади.

Жамоатчилик молиявий назорати нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Назоратнинг объекти унинг олдига қуйилган вазифаларга мувофиқ равишда аниқланади.

Мустақил молиявий назорат махсус органлар: аудиторлик фирмалари ва бошқа хизматлар томонидан ўтказилади.

Молиявий назоратнинг шакллари қуйидаги мезонлар бўйича классификация қилиш қабул қилинган:

- амалга оширилиш регламенти;
- ўтказилиш вақти;
- назоратнинг субъектлари;
- назоратнинг объектлари.

Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мажбурий (ташқи);
- ташаббускорли (ичқи).

Ташаббускорли (ичқи) молиявий назорат молиявий қонунчиликдан келиб чиқмаса-да, тактик ва стратегик мақсадларга эришишда молиявий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки;
- жорий (оператив);
- навбатдаги (келгуси, сўнгги).

Нazorатнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари бўлиши мумкин:

- Президент молиявий назорати;
- ҳокимият қонунчилик органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг молиявий назорати;
- ижроия ҳокимият органлари молиявий назорати;
- молия-кредит органларининг молиявий назорати;

- фирмавий-ички молиявий назорат;
- аудиторлик молиявий назорати;
- ва бошқалар.

Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бюджет молиявий назорати;
- нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- солиқлар бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- валюта операциялари устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- кредит операциялари бўйича молиявий назорат;
- суғурта фаолияти бўйича молиявий назорат;
- инвестицион фаолият бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- пул массаси устида амалга ошириладиган молиявий назорат;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қуйидаги методларидан фойдаланилади:

- текширув;
- тадқиқ этиш;
- надзор (назорат);
- молиявий ҳолат таҳлили;
- кузатиш (мониторинг);
- тафтиш.

Ҳозирги пайтда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида давлат социал аҳамият касб этувчи муҳим товарларнинг баҳосини коррективировка қилаётир (ўзгартираётир). Баҳо, шунингдек божхонавий тартибга солишда ва божхона даромадларини ундиришда давлат томонидан фойдаланилади. Масалан, айрим мамлакатларда божхона божлари кўплаб товар гуруҳлари бўйича сотиб

олиш олиш баҳоси бўйича эмас, балки ҳақиқатдагисидан кескин фарқ қилувчи норматив баҳолар бўйича ундирилади. Шунга мос равишда (бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда) бюджетнинг даромадлари ва мамлакат ички бозоридаги баҳолар ортади.

Бож сиёсатини молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида қараш билан биргаликда уни солиқ ва баҳо сиёсатларининг ҳам бир қисми сифатида эътиборга олиш керак. Чунки солиқлар ва божлар (бож йиғимлари) товар ва хизматларнинг баҳосига бевосита таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида бож сиёсати мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос бўлган усулига ҳам эгадир. Усулнинг ўзига хослиги шундаки, бу сиёсат бир томондан, мамлакат ички бозорига импорт қилинаётган товарлар ва хизматларни кенгайтириши ёки чеклаши, иккинчи томондан эса, мамлакатдан товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантириши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, мамлакатда ўхшаши бўлмаган технологик асбоб-ускунани импорт қилишга 20% ли бож йиғими ўрнатилса, бу нарса мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион имкониятларини камайтиради, ички ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайтиради, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоғини оширади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бож сиёсати бумеранг ҳаракатига эгадир. 0хЧунки бож ундиришнинг чекловчи ёки рағбатлантирувчи ставкаларининг жорий этилиши худди шундай жавоб чораларининг қўлланилиши билан кузатилади. Бож сиёсати йўналишининг танланиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига мос келиши керак. Агар биз бугун озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж товарларининг импорт қилинишига боғлиқ бўлсак, бу бож ставкаларида ўз аксини топмоғи лозим. Аммо бож ставкалари рағбатлантирувчи бўлса, у ҳолда мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар хорижий товарлар билан рақобат қила олмай қолади.

Умуман олганда, аксарият ҳолларда мамлакатнинг бож сиёсати божхона божлари ва тўловларини оширишга йўналтирилган бюджет сиёсатига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган ҳокимиятни тақсимланиш принципи Президент ва ваколатли ҳукумат органлари томонидан ижро ҳокимияти органларининг молиявий фаолиятини назорат қилишни назарда тутди. Бундай назорат, авваламбор, республика ва маҳаллий бюджетларни, давлат мақсадли нобюджет фондларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ҳисоботларни тасдиқлашда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимоти бўйича мамлакат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилади. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юклатилиши мумкин.

Молиявий назоратни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Республика Конституцияси 93-моддасининг 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва жумладан, давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар)ни шакллантиради.

Давлат молиявий назорати тизимида Ҳисоб палатасига катта рол ажратилган¹². У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда қуйидаги функцияларни бажариш юклатилган:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб, уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;

- давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- давлат бюджетини ижро этиш, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқиш;

- минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ролини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбулликка эришиш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суистеъмол-ликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹² Бу палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони билан ташкил этилган.

- умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

- бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг оптимал бирлигига эришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш;

- олтин-валюта заҳиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат этиш, йўқотишлар ва суистеъмолликлар каналлари ва имкониятларини йўқотиш мақсадида давлат олтин-валюта заҳираларининг бутун ҳаракати тиниқлигини таъминлаш;

- ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта заҳираларини чет эл банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

- давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат этиш;

- экспортни ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини бажариш, маҳсулот импорт қилишни мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чоратadbирлар амалга оширилишини назорат этиш;

- чет давлатларда давлат мулкани реализация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таҳлил ўтказиш ва уларнинг назорат этилишини таъминлаш;

- республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар конларини казиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чет эл компанияларининг таклифларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет эл кредитлари ва қарзларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, халқаро молия бозорларига республика қарз мажбуриятларини чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш;

- олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсатиға таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш;

- вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича иш-фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш.

1.3. Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати шаклланишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан товар ва транспорт воситаларни ўтказишда божхона тўловлари ундирилади.

Божхона тўловларини турлари Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодекси»нинг 103-моддасида берилган ва уларға қуйидагилар киради:

- бож;

- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;
- товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;
- товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими;
- дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги 154-сонли қарорига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб кириладиган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғим ўрнига ягона божхона тўлови жорий этилди.

Божхона тўловларини турлари ва уларни синфланиши схемаси 6-иловада берилган.

Божхона тўловларининг тўлиқ тавсифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-сон билан рўйхатдан ўтган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаданинг 10-иловасида берилган, яъни қуйидагича:

Божхона тўловлари тавсифномаси¹³.

Коди	Тўлов турининг номи
1. Божхона расмийлаштируви учун йиғимлар.	
10	Товарларни божхона расмийлаштируви учун йиғимлар
11	Транзит божхона режимида товарларни божхона расмийлаштируви учун йиғимлар
12	Божхона органларининг белгиланган вақтдан ёки белгиланган жойлардан ташқари ҳолларда товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғимлар
2. Божхона органлари томонидан ундириладиган божхона божлари ва солиқлар.	
20	Импорт божи
25	Экспорт божи
27	Импорт акциз солиғи
28	Экспорт акциз солиғи
29	Қўшилган қиймат солиғи
3. Жисмоний шахслардан ундириладиган йиғимлар	
30	Жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарлардан ундириладиган йиғим
31	Жисмоний шахслар учун ягона божхона тўлови
4. Бошқа йиғимлар	
40	Эгаси божхона органи бўлган омборларда товарларни сақлаганлик учун божхона йиғимлари.
41	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали барча транспорт воситаларида ташиладиган товарларни божхона кузатувида олганлик учун божхона йиғимлари.
42	Лицензия берганлик учун божхона йиғимлари
43	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа божхона йиғимлари
5. Тўловлар	
50	Дастлабки қарор қабул қилганлик учун тўлов
6. Жамғарма ва воситалар	
60	Мусодара қилинган товарлар реализациясидан келиб тушган воситалар
61	Гаровлар реализациясидан келиб тушган воситалар
62	Жарималар
7. Бошқа божхона тўловлари	
71	Божхона тўловлари муддатини кечиктириб тўлаш имконини берганлик учун фоизлар
72	Пеня
73	Юридик шахслар томонидан ноозиқ-овқат товарларини имортида йиғим
74	Божхона органларига юклатилган бошқа божхона тўловлари турлари
75	Божхона тўловларини таъминлаш учун тўловлар
76	Қўшни давлатлар ҳудудидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан учинчи мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва тижорат фаолияти учун реэкспорт қилинган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини импорт қилиш учун йиғим.

¹³ Арипов С., Пардаев Т. Божхона тўловлари. Ўқув қўлланма. 2007. – 198 б.

Товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланадиган божхона қиймати импорт божини, акциз солиғини ва тегишли божхона йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади.


Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун товарнинг божхона қиймати асос бўлиб, унга тўланиши лозим бўлган бож, акцизга тортиладиган товар бўйича эса, акциз солиғининг суммаси ҳам қўшилади.

Божхона тўловлари декларант томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

Божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтилаётганда божхона тўловлари божхона декларациясини қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

1.3.1-расм

Давлат Божхона Қўмитасининг молиявий назоратга оид асосий вазифалар¹⁴



¹⁴ Магистрлик диссертация ишини ёзиш давомида магистрант томонидан акс эттирилди.

Божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Ўз вақтида тўланмаган божхона тўловлари ўтган муддатдан қаятий назар ундирилади ва ундирилмаган суммадан 0.05 фоиз миқдорида пеня ундирилади.

Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларининг, шунингдек божхона режимларига мувофиқ қайтарилиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммалари қайтарилиши ёхуд тўланган пайтдан бошлаб ёки бундай тўловлар ундирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида тўловчининг талабномаси бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим.

Божхона назорати-қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидир.

Божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

Божхона расмийлаштируви-товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи

Божхона худудида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона худудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилади ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилади.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Бож тарифи-божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси принциплари ва кодаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир. Ҳозирги кунда божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларга нисбатан божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш ва ундириш ҳамда ундирилган божхона тўловларини давлат бюджети даромадларига тўлиқ ўтказиш асосий долзарб масалалардан биридир. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битимга эга бўлган давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга преференция ва имтиёزلарни қўллаш механизмини янада такомиллаштириш ҳамда божхона бошқармаларида ва ташқи иқтисодий фаолият бўйича божхона масканларида товарнинг қийматини ва божхона тўловларидан имтиёزلарни тўғри қўлланилиши устидан ўз-ўзини текшириш, босқичма-босқич бир неча поғонали божхона назорати ва божхона расмийлаштируви механизмини ташкил қилиниш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЖХОНА ХИЗМАТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Давлат бюджети даромадларида божхона божларининг салмоғи ва динамикасининг таҳлили

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда тариф усулларида фойдаланиш, тарифни чет эл тажрибасидан ва жаҳон савдо ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб такомиллаштирилгани мамлакат ички ишлаб чиқарувчиларини самарали ҳимоя қилади ҳамда давлатнинг фискал сиёсатини амалга ошириб, бюджетнинг даромад қисмини бойитади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз қуйидаги 3-жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2007-2012 йилларда божхона тўловларидан тушадиган тушумнинг бюджетнинг даромад қисмидаги улушини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини амалга оширишда тариф преференциялари яъни имтиёз берилиши кўзда тутилган. Тариф преференцияси деганда Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товар учун бож тўлашга нисбатан ўзаро ёки бир томонлама имтиёз берилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси билан бирга эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқини ташкил қилган ёхуд шундай зона ёки иттифоқ тузиш мақсадини кўзловчи битимни имзолаган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад қисмига
божхона тўловларидан тушган тушумларнинг улушини ўзгариши
жадвали¹⁵**

(2007-2012 йиллар)

Йиллар	2007	2008	2009	2010	2011	2012 (режа)
Божхона тўловлари фоизда	13.3	14.1	16.7	16.8	16.7	16.9

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган Ўзбекистон Республикаси миллий преференция тизимидан фойдаланувчи ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкаларини камайтириш ёки преференциал тартибда товар олиб киришга (олиб чиқишга) тариф квоталари белгилаш каби преференциялар йўл қўйилади.

Бож тарифи билан преференциялар қуйидаги кўринишда берилиши мумкин:

1. Бож тўлашдан мажбурий озод қилиш.
2. Истисно ҳолларда бождан озод қилиш.
3. Илгари тўланган божни қайтариш.
4. Бож ставкаларини пасайтириш.
5. Преференцияли олиб кириш ва олиб чиқишга нисбатан тариф квоталарини белгилаш.

¹⁵ Магистрлик диссертация ишини ёзиш давомида магистрант томонидан акс эттирилди.

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунда бож ундиришдан озод қилиш ва тариф имтиёзлари бериш алоҳида моддаларда қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсатини унинг божхона ҳудуди доирасида амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган тегишли божхона режимлари доирасида божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига вақтинча олиб кириладиган ёки ундан вақтинча олиб чиқилладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет элда инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик объектларини куриш учун бутловчи буюмлар таркибида олиб чиқилладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан давлат эҳтиёжлари учун экспортга ажратилган ҳажмларда олиб чиқилладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл корхоналарининг устав фондларига улуш сифатида олиб кириладиган товарларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларда назарда тутилган ҳолларда шундай корхоналар олиб чиқиб кетадиган ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг айрим турларига нисбатан илгари тўланган божни қайтариш, бож ставкасини камайтириш ва алоҳида ҳолларда бождан озод қилиш каби тариф имтиёзлари берилишига йўл қўйилади.

Божхона кодексининг 103-“Божхона тўловларининг турлари” моддаси товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда тўланадиган тўловлар сирасида акциз солиғини ҳам кўрсатилган. Акциз солиғига тушадиган товарлар мамлакатимиз божхона ҳудудига олиб кирилаётганида уларга солиқ солишнинг хусусиятлари, акцизларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш муддатлари, тартиби, шунингдек акциз маркалари билан

мажбурий тарзда маркаланадиган товарларнинг импорт қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Акциз (рус. акциз, ингл. exercise) – товар баҳосига кирадиган ва сотиб олувчи, яъни харидор томонидан тўланадиган билвосита солиқ. Кенг оммавий истеъмол товарлари баҳосига қўйиладиган устама ҳакни ифода этади. Акциз қадимги Римда пайдо бўлган ва бу солиқнинг номи ўша даврдан қолган. XVII-XVIII асрларда Нидерландия, Англия, Германия ва бошқа мамлакатларда давлат бюджетининг энг муҳим манбасига айланган.

Акцизланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир молия йили учун янгидан белгиланади. Дунё амалиётида акциз солиғи дастлаб туз, шакар, тамаки, спиртли ичимликлар, гугурт каби маҳсулотларга кенг қўлланилган. Ҳозирги пайтда акцизга тушадиган товарларнинг рўйхати анча кенгайди, кўпгина мамлакатларда автомобилларга, холодильникларга, атторлик молларига, шунингдек кенг эҳтиёж хизматларига: телефон хизматлари, кинофильмлар намойиши, транспорт воситасида юк ташиш суғурталарига қўшимча акцизлар киритилди.

Кўпинча вино-ароқ маҳсулотлари, пиво, тамаки маҳсулотлари, камёб озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳашамат буюмлари, автомобилларга акциз солиғи солинади. Акциз тўловчиси бўлиб акциз солиғи солинган товарни харид қилувчи истеъмолчилар ҳисобланади”.

Акцизлар кўп мамлакатлар давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. У тартибга солишнинг бошқа тарифли чоралари билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора сифатида қўлланади. Акциз (шунингдек олиб кириш божи сифатида ҚҚСнинг ҳам) воситасида давлат, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари ҳимоя қилинади ва ички бозорда рақобат таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган акцизли товарларга акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарорига 9-2-сон иловада белгиланган рўйхатлар ва ставкалар бўйича ундирилади.

Акциз солиғини божхона хизматлари сўмларда ундирадилар ва республика бюджетига киритадилар. Унинг келиб тушиши ҳисоби ва назоратини ДБҚ ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Акцизли товарлар Ўзбекистонга олиб кирилаётганида уларга солиқ солиш тартиби танланган божхона режимида боғлиқдир. Чунончи, акцизли товарлар:

- эркин муомалага чиқариш божхона режимида жойлаштирилганида акциз солиғи тўлиқ ҳажмда тўланади;

- Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 ноябрдаги 509-сон қарорига иловага мувофиқ транзит режимида жойлаштирилганида акциз солиғи бошқа божхона тўловлари билан бир қаторда тўловнинг гаров таъминоти ҳисобига тўланади;

- божхона омбори(ДБҚнинг АВ томонидан 2004 йил 27 февралда 1318-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган "Божхона омбори" божхона режими тўғрисидаги низом), реэкспорт (ДБҚнинг АВ томонидан 2002 йил 2 майда 1134-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Божхона реэкспорт режими тўғрисида низом), бож олинмайдиган савдо дўкони (ДБҚнинг АВ томонидан 2004 йил 27 февралда 1317-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган "Бож олинмайдиган савдо дўкони" божхона режими тўғрисидаги низом), йўқ қилиш (АВ томонидан 1998 йил 30 декабрда 584-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўқ қилиш божхона режими тўғрисида низом) ва давлат

фойдасига воз кечиш (АВ томонидан 1999 йил 8 апрелда 695-сон билан рўйхатдан ўтказилган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисида низом) режимларида жойлаштирилганида акциз солиғи тўланмайди;

- эркин омбор режимида турган (ДБҚнинг АВ томонидан 2004 йил 9 февралда 1309-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган "Эркин омбор" божхона режими тўғрисида низом) акцизли товарлар эркин муомалага чиқариш режимида жойлаштирилганида акциз солиғи Қонунда назарда тутилган тартибда ундирилади;

- вақтинча олиб кириш (ДБҚнинг АВ томонидан 2004 йил 14 октябрда 1418-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисида низом) режимида жойлаштирилганида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари тўғрисида” 399-сон қарори билан белгиланган даврий божхона тўловлари, шу жумладан акциз солиғини тўлаш қўлланади.

Республикага келадиган, Ўзбекистон резидентлари ва норезидентлари ҳисобланган жисмоний шахсларга Жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келадиган, акциз солиғига тортилмайдиган товарларнинг энг юқори меъёрларига (АВ томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган) иловада кўрсатилган миқдорда товарларни акциз солиғини тўламасдан олиб киришга рухсат берилади. Ўз эҳтиёжлари учун кўрсатилган меъёрлардан ортиқча товарлар олиб кириладиганида жисмоний шахслар акциз солиғини акциз солиғи тўламасдан товарлар олиб кириш меъёридан ошадиган қийматдан белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

2.2. Божхонада ҚҚС ва акциз солиқларини ундириш механизмининг таҳлили.

Божхона кодексининг 106-моддасида белгиланганидек: товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланадиган божхона қиймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Уни ҳисоблаб ёзиш ва ундириш қондаси Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (МВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2002 йил 5 мартда 1101-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинган.

Республикада акциз солиғини таҳлил қиладиган бўлсак, уни ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда, 2006 йилда жами ундирилган акциз солиғи суммаси 70842,4 млн. сўмни ташкил этди, бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 182,5 фоизга ошган.

Импортга акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун объект бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, божхона расмийлаштириши пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси $A_{acc} = B_k \times A / 100$

формуласи бўйича аниқланади,

бу ерда A_{acc} -акциз солиғи суммаси, B_k - божхона қиймати, A - акциз солиғи ставкаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори 9-2 сон иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб

кириладиган акцизли товарларга акциз солиғи адвалор ва аралаш ставкаларда берилган. Жумладан ТИФ ТН код рақами 500700000 бўлган ипак қолдиқларидан ёки ипак ипларидан тайёрланган газламага божхона қийматидан 20 фоиз миқдорда ставка белгиланган ва ТИФ ТН код рақами 200900000 бўлган мева ва сабзавот соқларига, аралаш ставка, яъни товарнинг божхона қийматидан 70 фоиз, лекин ҳар бир литридан 1.0 АҚШ доларидан кам бўлмаган миқдорда ставка белгиланган. Шунингдек, ТИФ ТН коди 870421390 ва олдин фойдаланишда бўлган, двигател ҳажми 2500 см.кубдан юқори бўлган автомобилларга товарнинг божхона қийматидан 70 фоиз ва ҳар бир см.куб двигател ҳажмига 3.0 АҚШ долари йиғиндиси миқдорида акциз солиғи ставкаси белгиланган.

Бу ҳолларда юқоридаги акциз солиғини ҳисоблаш формуласидан ташқари хос ставкалар буйича акциз солиғини ундиришда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Асс = Тм \times А \times К;$$

Тм-товарнинг миқдори; А – акциз солиғи ставкаси К-валюта курси, сўмда.

Демак, акциз солиғи ставкаси аралаш ставкаларини йиғиндиси миқдорида берилган бўлса, яъни товарнинг божхона қийматидан фоиз ва товар бирлигидан берилган ставкалар йиғиндисидан иборат бўлса, уларнинг йиғиндиси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Ажасс = (Бқ \times А / 100) + (Тм \times А \times К);$$

Ажасс- жами акциз солиғи суммаси.

Юқорида келтирилган акциз солиғини ҳисоблаш формалари ва товарлар буйича мисоллар ечамиз.

1-мисол:

ТИФ ТН код рақами 500700000 бўлган ипак қолдиқларидан ёки ипак ипларидан тайёрланган газлама импорт қилинди, божхона қиймати 10000000 сўм, унинг божхона қийматидан 20 фоиз миқдорда акциз солиғи ставкаси белгиланган. Унда ушбу товардан ундириладиган акциз солиғи суммаси:

$$\text{Асс} = \text{Бқ} \times \text{А} / 100 = 10000000 \times 20 / 100 = 2000000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

2-мисол:

ТИФ ТН код рақами 200900000 бўлган мева ва сабзавот соқларига, аралаш ставка, яъни товарнинг божхона қийматидан 70 фоиз, лекин ҳар бир литридан 1.0 АҚШ доларида кам бўлмаган миқдорда ставка белгиланган. Товарнинг божхона қиймати 2000000 сўмни ташкил этади. Миқдори 2000 литр. 1 АҚШ долари 1250.0 сўмга тенг. Бу ҳолатда ушбу товарга акциз солиғи суммаси:

А) адвалор ставкалар бўйича:

$$\text{Асс} = \text{Бқ} \times \text{А} / 100 = 2000000 \times 70 / 100 = 1400000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Б) хос ставка бўйича:

$$\text{Асс} = \text{Тм} \times \text{А} \times \text{К} = 2000 \times 1.0 \times 1250,0 = 2500000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Демак, хос ставкада ҳисобланган сумма, яъни 2500000 сўм, адвалор ставкада ҳисобланган, яъни 1400000 сўмдан катта бўлганлиги сабаблиги, импорт қилинган мева ва сабзавот соқларига акциз солиғини ҳисоблашда хос ставкалар бўйича ҳисобланади ва ундирилади.

3-мисол

ТИФ ТН коди 870421390 ва олдин фойдаланишда бўлган, двигател ҳажми 2500 см.кубдан юқори бўлган автомобил импорт қилинди. Унинг божхона қиймати 10000000 сўм, 1 АҚШ долари 1250.0 сўмга тенг. Акциз солиғи ушбу товар бўйича товарнинг божхона қийматидан 70 фоиз ва ҳар бир см.куб двигател ҳажмига 3.0 АҚШ долари йиғиндиси миқдорида акциз солиғи ставкаси белгиланган. Бу ҳолатда ушбу товарга жами акциз солиғи суммаси:

$$\text{Ажасс} = (\text{Бқ} \times \text{А} / 100) + (\text{Тм} \times \text{А} \times \text{К}) = (10000000 \times 70 / 100) + (2600 \times 3 \times 1250) = 7000000 + 9750000 = 16750000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун биринчи навбатда солиқ солинадиган айланма ҳисоблаб чиқилади, у қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\text{Асс} = \text{С} \times \text{А} / 100;$$

Бу ерда:

Асс- акциз солиғи суммаси

С- солиқ солинадиган айланма;

А- акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган айланма қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\text{С} = \text{Бқ} \times 100 / (100 - \text{А});$$

Бу ерда:

С- солиқ солинадиган айланма;

Бқ - божхона қиймати;

А- акциз солиғи ставкаси.

Шуни билиш лозимки, алкогольли ичимликни импорт еилувчилар акциз маркаларини харид еилаётганда акциз солијининг 50 фоизини тўлайдилар, акциз солијининг еолган еисмини эса божхона расмийлаштируви пайтида, бирое акциз маркалари харид еилинганидан кейин олти ойдан кечиктирмай тўлайдилар.

Акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашгача ёки уларни тўлаш билан бир вақтда амалга оширилади. Буни тўлдирилган божхона юк декларацияси билан бирга тақдим қилинган, тўлашга қабул қилинганлик тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тасдиқлайди. Айтиш жоизки, Божхона кодексининг 110-моддасига кўра ДБҚ худудий божхона бошқармаларининг қарори билан тўловчига товарларнинг божхона расмийлаштириши санасидан бошлаб икки ойдан ошмайдиган муддатга Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш бўйича йўриқнома (АВ томонидан 1999 йил 8 апрелда 697-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган тартибда акциз солиғини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Ушбу солиқни тўғри ҳисоблаб ёзиш ва ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлик тўловчилар ва декларантлар зиммасига юкланади. Тўловчи томонидан акциз солиғи бўйича бюджет олдидаги мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда божхона органлари тегишли суммаларни, шунингдек Қонунга мувофиқ, ундириш кунини кўшган ҳолда тўлаш кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоиз миқдорида пеняни ундиришади.

Акциз солиғининг ортиқча келиб тушган суммаси, Божхона кодексининг 113-моддасига кўра, йил давомида қайтарилиши ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши керак. Қайтариш тартиби Ортиқча тўланган ёки

ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида йўриқнома (АВ томонидан 2000 йил 14 июлда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинган. Бунинг учун тўловчи фаолият ҳудудида божхона расмийлаштириши амалга оширилган ҳудудий божхона хизматига ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммаларини улар тўланган ёхуд ундирилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида қайтаришга оид талабнома билан мурожаат этиши ва божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- тўловчининг ортиқча тўлашлар ёки ундиришлар сабаблари, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитларини ўзида мужассамлаштирган маълумотлар кўрсатилган ёзма аризаси;

- унга мувофиқ равишда акциз солиғи ҳисоблаб ва ундириб борилган божхона юк декларацияси;

- банкнинг ижро этиш ҳақидаги белгиси билан тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммалари тўланганлиги тўғрисида ҳужжат;

- чегарани товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатда кесиб ўтиши тўғрисида чегара божхонаси белгиси билан биргаликда товарларга илова қилинадиган ҳужжатлар (зарур ҳолларда).

Қўшилган қиймат солиғи товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

Қўшилган қиймат солиғи акциз солиғи каби давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бу унинг бошқа солиқларга қараганда бир қатор афзалликлари мавжудлиги билан изоҳланади, аввало ҚҚС солиқ тушумларининг мунтазамлигини ва уларнинг инфляция шароитида автоматик равишда индексацияланишини таъминлайди.

Республикамизда қўшилган қиймат солиғини таҳлил қиладиган бўлсак, уни ундириш ва уни давлат бюджетига ўтказиш йилдан- йилга ўсиб бормокда, 2006 йилда жами ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси 396234,1 млн. сўм ташкил этди, бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 175,0 фоизга ошган.

Ўзбекистонга импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи Солиқ кодекси томонидан 1998 йил 1 январдан жорий этилган. Унинг 73-моддаси ҚҚС йигирма фоизлик ставка бўйича тўланишини назарда тутди. Импортга доир ҚҚС тўловлари бўлиб товарларни импорт қиладиган юридик шахслар, шунингдек ўз эҳтиёжлари учун бож тўламасдан олиб кириш меъёрларидан ортиқча олиб кирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади. Уни ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1124-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома билан тартибга солинади. Шунингдек ушбу Йўриқноманинг 4-бўлимида қўшилган қиймат солиғидан бериладиган имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Булар:

1) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

2) дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар дипломатик ходимларининг, шунингдек улар билан бирга яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari бўлмаган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан энг зарур уй-рўзғор товарлари;

3) хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари бўлмасалар ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамасалар, олиб кирадиган энг зарур уй-рўзгор товарлари;

4) жисмоний шахслар божхона тўғрисида қонун ҳужжатларида тасдиқланган бож тўламасдан олиб кириш меъёрлари доирасида импорт қиладиган товарлар,

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига табиий офатлар, қуроли иштилофлар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва текинга техник кўмак бериш учун олиб кириладиган товарлар, шунингдек давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар йўли билан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;

6) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига қуйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик ускуналар:

- ҳукумат кафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун;

- янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган корхоналар учун;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг устав сармоясига уларнинг улуши сифатида хорижий инвесторлар томонидан олиб кириладиган технологик ускуналар;

- Йўриқноманинг 2-илоvasида санаб ўтилган, республика нефть-газ тармоғи объектлари учун турли ассортиментдаги қувурлар;

- белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, агар ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлса, янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек ишлаб турганларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга олиб кириладиган технологик ускуналар;

- лизингга топшириш учун, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлганида;

- хорижий инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан хусусийлаштирилаётган корхоналар учун олиб кирилаётган технологик ускуналар.

7) қуйидагилар доирасида етказиб бериладиган ускуналар (ахборот ва ташкилий техника асбоблари, материаллари, тизим ва воситалари):

- халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармалар грантлари бўйича Ўзбекистон Республикасида бажариладиган илмий-техника ва инновация дастурлари ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш;

- илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро келишувлар, ваколатли органнинг кўрсатилган ускуна ажратилган грантлар (маблағлар)нинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасига асосан;

- хорижда харид қилинган ёки у ердан юборилган ускуналар (ахборий ва ташкилий техниканинг асбоблари, материаллари, тизим ва воситалари) бошқаларга берилган тақдирда барча тўлов ва солиқлар белгиланган тартибда тўланади;

8) юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (келишувлар) бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ва иқтисодий ташкилотлари тақдим этган қарзлар ва грантлар ҳисобига олиб келадиган ускуналар, материаллар;

9) хорижий инвестициялар иштирокидаги, болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқаришида ишлатиш учун олиб келадиган хом ашё, материаллар ва тайёрлов буюмлари;

10) импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлар.

Шуни таъкидлаш муҳимки, имтиёзли солиқ солишнинг самарадорлиги бевосита у ёки бу импортнинг мақсадга мувофиқлиги, мамлакатда ўз ишлаб

чиқаришини, бинобарин экспорт салоҳиятини ҳам ривожлантириш билан боғлиқдир.

Қуйидагилар ҚҚС солинадиган объект бўлиб ҳисобланади ва уни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби қуйидагича:

-Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бўлиб республиканинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланган божхона режимларига мувофиқ давлатимиз ҳудудига импорт қилинадиган (шу жумладан МДХ мамлакатларидан олиб кириладиган) товарлар ҳисобланади. Бунда товар деганда истеъмолга мўлжалланган ва қийматга эга бўлган ҳамма нарсалар (ускуналар, маҳсулотлар, ҳом ашё, материаллар, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари ва товар-моддий бойликлар) (бундан ишлар, хизматлар мустасно) тушунилади.

ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб импорт қилинаётган товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади. Ундан ташқари солиқ солинадиган айланма миқдорига божхона божи ва акциз солиғи (акцизли товарлар бўйича) суммалари киритилади.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи эса қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$С_{\text{ҚҚС}} = (С_{\text{б}} + Б_{\text{б}} + А_{\text{с}}) \times С / 100, \text{ бу ерда:}$$

С_{ҚҚС} - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

С_б – импорт қилинадиган товарнинг божхона қиймати;

Б_б – божхона божи суммаси;

А_с – акцизли товарлар бўйича акциз солиғи суммаси;

С – қўшилган қиймат солиғининг фоизларидаги ставкаси.

Импорт қилинаётган товарларга ҚҚС, қонун ҳужжатларига биноан қуйидаги муддатларда тўланиши зарур:

- Республикага товарлар олиб кирилатганда қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валюта – сўмларда, божхона декларацияси қабул қилинишигача ёки у билан бир вақтда тўланади. Агар бу ҳужжат Божхона кодексида белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, ҚҚСни тўлаш муддатлари божхона декларацияси тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Жисмоний шахслар солиқни божхона органи ёки пост кассасига белгиланган тартибда нақд пул тўлашлари мумкин.

Товарларни импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар импорт қилинаётган ана шу товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи декларант томонидан ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай манфаатдор шахс томонидан тўланиши мумкин. Танланган божхона режимининг талаблари асосида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади ва БЮБси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда миллий валюта – “сўм”да ундирилади. Ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳудудий божхона бошқармалари депозит ҳисобидан ҳар уч кунда Республика бюджети даромадлари ҳисобига ўтказилади. Божхона органлари қўшилган қиймат солиғининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилишига жавобгардирлар.

ҚҚСни тўғри ҳисоблаб чиқариш ва ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлик декларант (тўловчи) зиммасига юкланади. У тўланмаган тақдирда тегишли тўловлар суммаларини божхона органлари уларни тўлаш учун маъсул шахслардан сўзсиз тартибда ундириб, пеня ҳисоблаб ёзади.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисоблаб чиқаришда божхона юк декларацияси (БЮД)нинг 47-устуни қуйидаги тартибда тўлдирилади:

"Тури" кичик устунида "29" - ҚҚС коди кўрсатилади;

"Ҳисоблаб ёзиш асоси" кичик устунига ҳисоблаб чиқарилган, солиқ солинадиган оборот суммасидаги миқдор қайд этилади;

"Ставка" кичик устунисида ҚҚС ставкаси ҳажми кўрсатилади;

"Сумма" кичик устунисида ҳисоблаб чиқарилган ва тўланадиган ҚҚС суммаси кўрсатилади;

"ТУ" кичик устунисида тўлов усулининг икки белгили ҳарфий коди кўрсатилади:

"бн" - банк орқали нақдсиз ҳисоб-китоб;

"кт" - божхона тўловлари суммасини нақд пулда тўлаш;

"оп" - божхона тўловларини тўлаш кечиктирилди;

"рп" - божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи тақдим этилди;

"оо" - тўлов амалга оширилмаслиги керак.

"Ҳисоб-китоб қилиш тафсилотлари" деган В устунисида тўлов коди, тўловнинг умумий суммаси, шунингдек ҚҚС тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатларининг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

2.3. Божхона божларини ҳисоблаш ва ундириш амалиётининг таҳлили

Божхона божи — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов.

Божхона божларини ҳисоблаш ва ундиришнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси;

- Бож тарифи тўғрисидаги Қонун;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 27 июнда 782-сон билан рўйхатга олинган «Импорт божхона божини ҳисоблаш ва ундириш тартиби»;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасида қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-183 сонли Қарори.

Божхона божи суммасини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт қилинган товарлар бўйича биринчи навбатда қуйидагиларни аниқлаш зарур:

1. товарни божхона қийматини аниқлаш;
2. товарни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига асосан товар код рақамини аниқлаш;
3. импорт қилинган товарни келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш.

1. Австрия	22. Литва
2. Бангладеш	23. Мальта
3. Бельгия	24. Люксембург
4. Болгария	25. Нидерландия
5. Буюк Британия	26. Португалия
6. Венгрия	27. Покистон
7. Вьетнам	28. Польша
8. Германия	29. Словения
9. Греция	30. Руминия
10. Дания	31. Словакия
11. Миср	32. АҚШ
12. Исроил	33. Туркия
13. Ҳиндистон	34. Финландия
14. Ирландия	35. Франция
15. Испания	36. Чехия
16. Италия	37. Швейцария
17. Иордания	38. Швейция
18. Кипр	39. Эстония
19. Корея	40. Япония
20. Хитой	41. Саудия Арабистони
21. Латвия	42. Малайзия

Ўзбекистон Республикасида ҳам божхона божларини ундириш ва уни давлат бюджетига ўтказиш йилдан-йилга ўсиб бормоқда, 2006 йилда жами

ундирилган божхона божи суммаси 103453,1 млн. сўм ташкил этди, бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 187,3 фоизга ўсган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 апрелда 426-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иктисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатлар рўйхати” берилган ва улар қуйидагилардан иборат:

Бу мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлардан жўнатувчиси ва қабул қилувчиси қайси давлат резиденти бўлишидан қатъий назар белгиланган ставкалар асосида божхона божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси билан эркин-савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битимга эга бўлган давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун импорт божхона божи қўлланилмайди. Ушбу давлатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 8 апрелда 429-сон билан рўйхатга олинган ва улар қуйидагиларда иборат:

- | | |
|----------------|-----------------|
| 1. Беларусь | 6. Россия |
| 2. Грузия | 7. Туркменистон |
| 3. Қозоғистон | 8. Украина |
| 4. Қирғизистон | 9. Тожикистон |
| 5. Молдова | 10. Озарбайжон |

Икки томонлама келишув асосида тасдиқланган товарлардан импорт божхона божи ундирилмайди.

Бу давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт божхона божи қўлланмаслиги учун товар битимга эга бўлган бирор бир давлатнинг резиденти томонидан экспорт қилиниши ва битимга эга бўлган бирор бир давлатнинг резиденти томонидан импорт қилиниши керак. Резидент дейилганда шу давлат ҳудудида ташкил этилган ташкилот ёки шу давлат

худудида доимий яшайдиган жисмоний шахс тушунилади. Мисол учун Россия давлатида рўйхатдан ўтган «Сельхозтехника» фирмасидан «Россельмаш» заводида ишлаб чиқарилган «Дон» русумли ғалла ўрадиган комбайнларни Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятидаги «Оҳангарон машина-трактор парки» олиб келаяпти ёки Тошкент шаҳрида доимий яшовчи фуқаро Рахмонов Машраб Беларуссия Республикасида ишлаб чиқарилган «Минск» ва «Брюсса» совутгичларини ушбу республикада рўйхатдан ўтган «Стал» фирмасидан сотиб олиб келди.

Бошқа барча ҳолларда Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битимга эга бўлган давлатларда ишлаб чиқарилган товарлардан белгиланган ставкалар асосида божхона божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битимга эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки барабар оширилади. Божхона расмийлаштируви вақтида товарнинг ишлаб чиқарилган мамлакати етарли даражада аниқланмаган ҳолларда бу товар учун бир йилдан кўп бўлмаган муддат ичида келиб чиқиш сертификати тақдим этилганда эркин савдо режими қайта тикланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда 787-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларининг 2.8-бандига биноан Ўзбекистонга олиб келинаётган, фактура қиймати 5000 АҚШ долларига қадар бўлган товарлар учун келиб чиқиш сертификатини тақдим этиш мажбурий эмас. Бундай ҳолда келиб чиқиш мамлакати инвойс, ҳисобварақ-фактура ёки товарга илова

қилинган бошқа хужжатларда, башарти ушбу маълумотлар белгиланган тартибда ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган ҳамда улар бир контракт доирасида етказиб бериладиган товарлар туркумининг бир қисми ҳисобланмаса, декларация қилиниши мумкин.

2.3.1-расм

Импорт божи ставкаларининг қўлланилиши схемаси¹⁶



¹⁶ Арипов С., Пардаев Т. Божхона тўловлари. Ўқув қўлланма. 2007. – 198 б.

Мисол учун, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган совуткич ёки чанг-юткич учун техник восита паспорти ана шундай ҳужжат бўла олади, унинг “Ишлаб чиқарувчи завод” устунида унинг ваколатли орган муҳри билан тасдиқланган номи кўрсатилади. Бу билан товарнинг келиб чиқиш мамлакати тасдиқланади.

Импорт божхона божини ҳисоблаш ва ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 июлда 782-сон билан рўйхатга олинган. Божхона божини ҳисоблаш учун асос божхона баҳосини аниқлаш усуллари орқали топилган товарларнинг божхона қийматидир. Божхона божи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Ибс} = \text{Бқ} \times \text{Н} / 100;$$

Бунда:

Ибс – божхона божи суммаси;

Бқ – товарнинг божхона қиймати;

Н – божхона божи ставкаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасида қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-183 сонли Қарорининг биринчи иловасида импорт божлари адвалор ва аралаш ставкаларда берилган.

Жумладан ТИФ ТН код рақами 310100000 бўлган ўғитларга божхона қийматидан 10 фоиз ставка белгиланган ва ТИФ ТН код рақами 590410000 булган линолеумга, аралаш ставка, яъни товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин метр квадратидан 0.7 АҚШ доларидан кам бўлмаган ставка белгиланган.

Бу ҳолларда юқоридаги божхона божини ҳисоблаш формуласидан ташқари хос ставкалар буйича божхона божларини ундиришда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\text{Ибс} = \text{Тм} \times \text{Н} \times \text{К};$$

Тм-товарнинг миқдори;

Н – божхона божи ставкаси.

К-валюта курси, сўмда.

Юқорида келтирилган божхона божини ҳисоблаш формалари ва товарлар бўйича мисоллар ечамиз.

1-мисол:

Импорт қилинган ўғитларнинг божхона қиймати 2000000 сўм деб олсак, божхона божи ставкаси 10 фоиз. Бу ҳолатда ушбу товарга божхона божи суммаси:

$$\text{Пбб} = 2000000 \times 10 / 100 = 200000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

2-мисол:

Импорт қилинган линолеумнинг божхона қиймати 3000000 сўм, жами 1000 метр квадратни ташкил этади, 1 АҚШ долари 1250.0 сўмга тенг. Бу ҳолатда ушбу товарга божхона божи суммаси:

А) адвалор ставкалар бўйича:

$$\text{Пбб} = 3000000 \times 30 / 100 = 900000 \text{ сўм.}$$

Б) хос ставка бўйича:

$$\text{Пбб} = \text{Тм} \times \text{Н} \times \text{К} = 1000 \times 0.75 \times 1250,0 \text{ сўм} = 937500.0 \text{ сўмни ташкил этди.}$$

Демак, хос ставкада ҳисобланган сумма, яъни 937500.0 сўм, адвалор ставкада ҳисобланган, яъни 900000 сўмдан катта бўлганлиги сабабли, линолеумга божхона божини ҳисоблашда хос ставкалар бўйича ҳисобланади ва ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида» ги қонуннинг 33-моддасига асосан бож ундиришдан қуйидагилар озод қилинади:

- халқаро йўналишда юклар, багаж ва йўловчилар ташийдиган транспорт воситалари, шунингдек уларнинг йўлда, оралиқ тўхташ жойларида бир маромда ишлаши учун зарур бўлган ёки транспорт воситаларида юз берган аварияларга (носозликларга) барҳам бериш учун чет элларда сотиб олинган моддий-техника таъминоти буюмлари ва асбоб-анжомлари, ёнилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа мол-мулк;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг валютаси, чет эл валютаси (нумизматика учун ишлатиладиган валюта бундан мустасно), шунингдек қимматли қоғозлар;

- денгизда ов билан банд бўлган Ўзбекистон Республикаси кемаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ижарага олинган (фрахт қилинган) кемаларни таъминлаш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган моддий-техника таъминоти буюмлари ва анжомлар, ёнилғи, озиқ-овқат ва бошқа мол-мулк, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган ов маҳсулотлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар;

- чет давлатлар вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларига мувофиқ бож тўламасдан буларни олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг расмий ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланишига мўлжаллаб божхона ҳудудига олиб кириладиган ёки бу ҳудуддан олиб чиқиладиган буюмлар;

- табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки фалокатлар юз берганида ёрдам кўрсатиш учун инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар, шунингдек, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;

- бепул ўқув, даволаш ва мактабгача тарбия болалар муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари;

- учинчи давлатлар учун мўлжалланган ва божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан транзит тартибида олиб ўтиладиган товарлар;

- божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланмаган товарлар;

- эркин савдо режими ўрнатилган давлатларга мансуб бўлган ва улардан олиб кириладиган товарлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан ёки унинг кафолати остида тузилган ҳукуматлараро ва кредит битимлари бўйича етказиб бериладиган товарлар;

- чет эллик инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк;

- чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет эллик инвесторлар ва чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига умумий суммаси эллик миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган тўғридан-тўғри инвестицияни амалга оширган чет эллик юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар, башарти олиб кириладиган товарлар уларнинг ўз ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлса;

- маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишлар олиб бориш учун мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган чет эллик инвестор ёки бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган

товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек инвестор томонидан олиб кириладиган, маҳсулот тақсимотига оид битимга мувофиқ инвесторга тегишли бўлган маҳсулот;

- рекламалар ва тақдиротлар учун олиб кириладиган товарлар;
- бюджетдан таъминладиган ташкилотлар томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджет маблағлари ҳисобидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

- чет эл кредиторлари ҳисобидан ҳукумат кафолати остида молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб кириладиган технологик жиҳозлар;

- янги қуриладиган ва қайта қуриладиган, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар учун олиб кириладиган технологик жиҳозлар;

- чет эл инвестицияларига асосланган корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб кириладиган технологик жиҳозлар;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун олиб кириладиган технологик жиҳозлар;

- ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда, лизингга топшириш учун олиб кириладиган технологик жиҳозлар;

- кичик бизнес корхоналари томонидан ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқаришлар учун олиб кириладиган технологик жиҳозлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт

воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш қоидалари» 399-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига қуйидаги товарлар четдан вақтинчалик олиб келинган ҳолларда амалга оширилади:

а) хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун четдан олиб келинадиган, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходими ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган товарлар.

Бундай товарларни четдан вақтинчалик олиб келишга юқорида кўрсатилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси органлари томонидан вакил қилинган шахслар аккредитация қилинган муддатга рухсат этилади ва ушбу муддат уларнинг аккредитация муддатлари узайтирилишидан келиб чиққан ҳолда узайтирилади;

б) шахсий эҳтиёжларни қондириш учун хорижий фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан олиб келинган товарлар.

Автотранспорт воситалари ушбу кичик банднинг биринчи хат бошига мувофиқ четдан вақтинчалик олиб келинган тақдирда божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш уч ойгача бўлган муддатга берилади. Кўрсатилган муддат тугагач уларга четдан вақтинчалик олиб келишнинг бундан кейинги муддати учун даврий божхона тўловлари қўлланади;

в) технология асбоб-ускуналари, уларга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар;

г) транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан одамлар ва юкларни халқаро

ташувларда фойдаланиладиган контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турлари.

Кўрсатилган транспорт воситалари хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак ва хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан олиб келинади.

Кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкаларнинг бошқа турларини четдан вақтинчалик олиб келишни божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш транспорт операцияларини амалга ошириш муддатига, лекин транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари учун - бир ойдан кўп бўлмаган муддатга ҳамда кўп марталаб ишлатиладиган идишлар ва упаковкалар учун - уч ойдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Четдан вақтинчалик олиб келиш муддати ўтгач кўрсатиб ўтилган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан чиқариб кетилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача божхона режимида қўйилиши керак;

д) четдан вақтинчалик олиб келиниши мақсадини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида ушбу қоидаларга иловага мувофиқ рўйхат бўйича товарлар. Тақдим этиладиган ҳужжатларга талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Ушбу товарларни четдан вақтинчалик олиб келишга божхона божлари ва солиқлардан бир йил муддатга тўлиқ озод қилган ҳолда рухсат этилади. Ушбу муддат тугагач кўрсатиб ўтилган товарларга четдан вақтинчалик олиб келишнинг бундан кейинги муддатига даврий божхона тўловлари қўлланади;

е) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари билан божхона божлари ва соликлардан тўлиқ озод қилиш назарда тутилган товарлар.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 1 апрелдаги 1/8-02041ск-сонли хатида асосан Европа Иттифоқи (ЕС) мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва олиб келинаётган 50-63 группаларда тўқимачилик товарларига нисбатан қуйидаги 4-жадвалда кўрсатилган божхона божи ставкалари қўлланилади:

2.3.2-жадвал

Европа Иттифоқи (ЕС) мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва олиб келинаётган 50-63 группаларда тўқимачилик товарларига нисбатан божхона божи ставкалари¹⁷

№	Товарнинг номи	ТИФ ТН бўйича коди	Ставка
	Синтетик иплардан тайёрланган газламалар	5407, 5408	10 %
	Синтетик штапель толалардан тайёрланган газламалар	5513-5516	10 %
	Гидамлар	5701, 5702, 5703, 5704	30 %
	Пол учун бошқа тўқима тўшамалар	5705	10 %
	Тукли (ворсовые) газламалар	5801	15 %
	Трикотаж кийим-бошлар (болалар кийим-бошларидан ташқари) ва уларга тегишли нарсалар	6101-6117	5 %
	Ҳайвон жунидан тўқилган ёпғичлар (туклидан ташқари)	630120	10 %
	Етоқ чойшаблари	6302	10 %
	Аввал ишлатилган кийим-бошлар	6309	5 %

¹⁷ Магистрлик диссертация ишини ёзиш давомида магистрант томонидан акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан жисмоний шахслар ўз эҳтиёжи учун товар олиб келишда қуйидаги меъёрларда божхона божидан озод этилади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бож тўламасдан товарлар олиб киришнинг чекланган меъёрларига мувофиқ чегарадош бўлмаган давлатлар ҳудудидан умумий қиймати эквивалент ифодада 1000 АҚШ долларида кўп бўлмаган товарларни;

- Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларига мувофиқ чегарадош давлатлар ҳудудидан бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг миқдорий нормалари доирасида умумий қиймати 50 АҚШ долларида кўп бўлмаган товарларни олиб киришга рухсат берилади.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Демак, юқоридагилардан маълумки, Давлат бюджети даромадларида божхона божларининг салмоғи ва динамикасининг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуд экан. Умуман олганда мазкур бобда керакли хулосалар чиқарилди. Бундан ташқари бир қатор амалий тавсиялар чиқаришга эга бўлдик. Ишнинг кейинги босқичига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги хулосаларнинг барчаси ҳозирги, яъни Ўзбекистон иқтисодиётида божхонада ҚҚС ва акциз солиқларини ундириш механизми уни мустаҳкамлашнинг замонавий йўналишлари ишлаб чиқишни тақоза этадики, унинг айрим муҳим жиҳатлари, хусусан, божхона божларини ҳисоблаш ва ундириш ҳамда унинг механизмини такомиллаштириш диссертацион тадқиқотимиз навбатдаги бобининг предмети ташкил этади.

III БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА БОЖХОНА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда жахон ҳамжамиятида муаммо булиб турган бир пайтда молиявий-иқтисодий инкироз шароитида мамлакатнинг божхона сиёсатини самарали ташкил этиш буйича бир катор чора-тадбирлар амалга оширилмокда.

Божхона назорати шакллари

Божхона назорати божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қуйидаги йўллар билан ўтказилади:

- божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;
- жисмоний ва мансабдор шахсларни огзаки сўраб-суриштириш;
- божхона кўригидан ўтказиш;
- товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона томонидан қиёслаш;
- товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш; ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини текшириш;
- божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда.

Божхона назорати ўтказилаётганида инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланилиши мумкин.

Божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари қўйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳамда шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши лозим.

Божхона органлари эркин божхона зоналари ва эркин омборларда турган товарлар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона назоратини амалга оширишга ҳақлидир.

Божхона органлари божхона ҳудудидан божхона органининг рухсатсиз чиқиб кетган транспорт воситаларини мажбурий равишда тўхтатиш, денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини мажбурий равишда орқага қайтаришга ҳақлидир, чет эл кемалари ва бошқа давлатларнинг ҳудудида турган кемалар бундан мустасно.

Божхона назорати остида бўлиш вақти кўрсатилган тартиб бўйича амал қилинади.

Божхона назорати: божхона ҳудудига олиб киришда-товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан божхона ҳудудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқишда-божхона декларацияси қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона назорати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари сақланган божхона режимига мувофиқ чиқишга рухсат берилган пайтдан эътиборан ёхуд улар божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан тугалланади.

Божхона назорати зоналарини тадқиқотимизда босқичма босқич кўрсатиб утамыз.

Божхона назорати зоналари божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белгиланадиган бошқа жойларда тузилади.

Божхона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишга, шунингдек уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилади.

Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тадқиқот ишимизда қўришимиз мумкин.

Божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи ёки назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни амалга оширувчи шахслар бу органларга рўйхати ва тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳужжатлар ва маълумотларни топширадилар.

Божхона назоратини амалга ошириш учун божхона органлари банклардан, бошқа молия-кредит муассасаларидан ва хўжалик юритувчи субъектлардан экспорт-импорт операциялари ҳамда назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятнинг бошқа турларига доир маълумотларни олишга ҳақлидир.

Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар шахслар томонидан камида уч йил сақланиши лозим.

Божхона кўригидан ўтказиш тартиби ва ўзига хос жихатларини қўришимиз мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона ҳудуди орқали транзит тартибида ўтишининг олдини олиш учун божхона

органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра эса текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс деб ҳисобланади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар йўқлигида божхона органлари қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли:

улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилганидан сўнг ўн кун ўтганидан кейин келмаган бўлса;

давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, Ўзбекистон Республикасининг бадиий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда;

товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса; товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда божхона ҳудудида қолдирилган бўлса.

Шахсни кўздан кечириш тартибини ва уларни тартиб дойрасида тадқиқот ишимизда ажратиб кўрсатамиз.

Шахсни кўздан кечириш божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очик аэропортнинг транзит зонасида турган жисмоний шахс қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яширяпти ва кўрсатмаяпти деб

хисоблашга асослар бўлган тақдирда, божхона органи мансабдор шахсининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш

Божхона назорати остида бўлган ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш уларга пломбалар, муҳрлар қўйиш, рақамли, ҳарфий ва бошқа маркалар босиш, қиёслаш белгиларини қўйиш, штамплар босиш, намуналар ва нусхалар олиш, товарлар ва транспорт воситаларини таърифлаш, уларнинг чизмаларини тайёрлаш, масштабни тасвирлар, фотосуратлар, иллюстрациялар тайёрлаш, товарларга илова қилинган ва бошқа ҳужжатлардан ҳамда ўзга қиёслаш воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

Қиёслаш воситалари фақат божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, товарлар ва транспорт воситаларининг йўқ бўлиб кетиши, уларга қайта тиклаб бўлмайдиган даражада путур етказилиши ёки уларнинг жиддий бузилиши хавфи тугилган ҳоллар бундан мустасно. Қиёслаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида божхона органларига дарҳол маълум қилинади ва бундай хавф мавжуд бўлганлигини исботловчи далиллар тақдим этилади.

Божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини инвентаризациялаш

Божхона органлари божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек бож тўловлари тўланмаган ёки бож тўловлари юзасидан божхона имтиёзлари берилган товарларни инвентаризациядан ўтказишга ҳақлидир.

Назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни текшириш

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсларнинг назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятини текширишга ҳақлидир.

Божхона назоратини танлаб ўтказиш

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда, қоида тариқасида, назоратнинг қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлган шакллари қўллайдилар.

Божхона назоратининг айрим шакллари қўлламаслик ёки улардан озод қилиш шахслар қонун ҳужжатларига риоя этиш мажбуриятидан озод қилинишини билдирмайди.

Зарурат бўлганда божхона органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, божхона назоратининг барча шаклларида фойдаланишлари мумкин.

Божхона назоратининг муайян шаклларида озод қилиш

Божхона назоратининг муайян шаклларида озод қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг шахсий багажи, агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар, божхона текширувидан озод

Товарлар ва транспорт воситалари чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати

Товарлар ва транспорт воситалари чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда божхона органлари товарлар ва транспорт воситалари мавжудлигини текширишга, уларни такроран божхона текширувидан ўтказишга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайта текширишга, ушбу товарлар билан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий ва кейинги тижорат операцияларига дахлдор ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни текширишга ҳақлидир. Текшириш декларант турган жойда, кўрсатиб ўтилган операцияларга бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган ёки зарур ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай бошқа шахс турган жойларда ўтказилиши мумкин. гуқуқбузарлик аниқланган тақдирда шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг божхона назоратини ўтказиш учун ҳудудга ва биноларга кира олиши

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат гувоҳномаси асосида божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари, божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юкланган фаолият амалга оширилаётган ҳудуд ва биноларга кира олиш ҳуқуқига эга, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар ва экспертларни жалб этиш

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ мутахассислар ва экспертларни жалб этиши мумкин.

Божхона омборлари ва эркин омборлар

Божхона омборлари ва эркин омборлар-товарларни божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган, махсус ажратилган ва жиҳозланган бинолар ёки бошқа жойлардир. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки

алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар фақат махсус мослаштирилган омборларга жойлаштирилиши лозим.

Божхона омбори Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёхуд божхона органи томонидан таъсис этилади.

Эркин омбор Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси томонидан таъсис этилади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Божхона омборлари сақлаш шароитларига кўра товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида сақлаш учун мўлжалланган бўлади.

Божхона омборлари фойдаланиш мумкинлиги жиҳатидан ҳар қандай шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлиши ҳамда муайян шахслар, қоида тариқасида, омбор эгалари фойдаланиши учун мўлжалланган ёпиқ омборлар бўлиши мумкин.

Божхона омборлари ва эркин омборларни очиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона омбори ва эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони эгаларининг мажбуриятлари

Божхона омборлари ва эркин омборларнинг эгалари қуйидагиларга мажбурдирлар:

- 1) омборларни божхона назоратини таъминлаш мақсадида жиҳозлаш;
- 2) товарларнинг асралишини таъминлаш;
- 3) сақлашга қўйилган товарлар ва транспорт воситаларини олиш имкониятини истисно этиш, божхона назорати бундан мустасно;
- 4) божхона назорати амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслик;
- 5) ҳисоб-китоб ишларини юритиш ҳамда сақлаб турилган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида божхона органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;
- 6) лицензия шартларига риоя этиш;

7) божхона органларининг қонуний талабларини бажариш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни адо этиш.

Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси назарда тутилган талабларга риоя этиши, шунингдек келаётган ва сотилаётган товарлар ҳисобини юритиши, бу товарлар тўғрисида божхона органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Божхона омборлари ва эркин омборлар эгаларининг омборга товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари

Божхона омборлари ва эркин омборлар эгаларининг омборга товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида қурилади.

Божхона омборларининг эгалари бўлган божхона органларининг божхона омборларига товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона омбори ёки эркин омборда турган товарлар билан қилинадиган операциялар

Вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилган товарлар:

омбор эгаси томонидан, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган бошқа шахс ва уларнинг вакиллари томонидан кўздан кечирилиши ва ўлчаб чиқилиши мумкин. Божхона органининг рухсати билан текшириш ва қиёслаш учун товарлардан намуналар ҳамда нусхалар олиниши мумкин;

уларнинг ўзгармас ҳолатда сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган операциялар амалга оширилиши, шу жумладан шикастланган ўрови тузатилиши мумкин.

Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар устида уларнинг асралишини таъминлаш, божхона органининг рухсати билан сотишга ва ташишга тайёрлаш бўйича операциялар амалга оширилиши мумкин.

Операцияларнинг рўйхати ҳамда уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Эркин омборга жойлаштирилган товарлар билан ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини амалга оширишга йўл қўйилади, уларни чакана сотиш бундан мустасно. Ушбу товарлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тақиқ ва чекловлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Божхона органлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаган айрим шахсларга товарлар билан операциялар ўтказишни тақиқлаб қўйишлари ва уларнинг товарлардан фойдаланишини рад этишлари мумкин.

Божхона тўловларини тўлаш учун жавобгарлик

Божхона омбори ва бож олинмайдиган савдо дўкони эгалари омборда сақланаётган ва дўконда реализация қилинаётган товарлар ҳамда транспорт воситаларининг бож тўловлари тўланиши учун жавобгар бўладилар.

Агар божхона омбори эгаси билан товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимида жойлаштирувчи шахс ўртасидаги шартномада ушбу шахснинг бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлса, улар солидар жавобгар бўладилар.

Божхона органининг розилиги билан бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлик товарларни божхона омбори режимида сақлаш учун жойлаштирган шахс зиммасига юкланиши мумкин.

Агар божхона органи божхона омборининг эгаси бўлса, товарлар ва транспорт воситаларини шу омборга жойлаштирган шахс бож тўловларини тўлаш учун жавобгар бўлади, бундай шахс бўлмаган тақдирда-уларнинг мулкдори ёки эгаси ҳисобланувчи шахс жавобгар бўлади.

Агар эркин омборга жойлаштирилган товарлардан бож тўловлари ундирилса, тўловлар тўланиши учун уларни омборга жойлаштирган шахс жавобгар бўлади.

Божхона органининг лицензияси

Божхона органи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун беш йил муддатга лицензия беради. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига биноан берилиши мумкин.

Агар божхона омбори божхона органлари томонидан таъсис этилса, лицензия олиш талаб қилинмайди.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия божхона органи ёки суд томонидан бекор қилиниши, унинг амал қилиши эса тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун лицензия бериш, уни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Шундай қилиб, диссертация ишимизнинг учинчи бобида амалга оширилган тадқиқот ва таҳлил ишлари натижасида чиқарилиши лозим бўлган хулосалар, шакллантирилган таклиф ва тавсияларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат, божларни қўллашни такомиллаштириш учун импорт қилинаётган баъзи товарларга антидемпинг ва компенсация божлари қўлланилиши механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, жисмоний шахсларга божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёزلарни тўғри қўлланишини амалга ошириш учун бу имтиёزلарни қўллаш муддатини ишлаб чиқиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини тўғри белгиланиши устидан ишларни

янада жонлантириш, жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, эркин муомулага чиқарилган ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган товарларни қайта сотиш муддатларини ишлаб чиқиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган товарларни расмийлаштириш бўйича божхона масканлари ходимларини касбий маҳоратини ва билим савиясини ошириш ва уларни меъёрий ҳужжатлар талабини чуқур эгаллашлари бўйича ишларни янада жонлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман олганда, бизнинг фикримиз юқоридаги чиқарилган хулосалар ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг инобатга олинishi мамлакатимизда божхона тизимини самарали бошқариш ҳамда барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликка эришгандан сўнг аста-секинлик билан божхона тўловлари ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиблари шакллантириб борилди ва бу тўловлар мамлакатнинг иқтисодиётини анча мустаҳкамлашда етарлича ҳисса қўшиб келмоқда.

Божхона тарифи мамлакат иқтисодиётига бевосита ҳар томонлама таъсир қилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш чораларини нотўғри қўлланилиши эса мамлакат иқтисодиётига путур етказиши мумкин. Ушбу ҳолатда албатта божхона назоратини самарали ташкил этишни янада жадаллаштириш лозим.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш қуролларида бири бўлган божхона тўловларини тўғри ундириш масаласини кўриб чиқдик.

Давлат божхона қўмитаси давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлдиришда иштирок этувчи орган ҳисоблангани учун Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитасига йиллик бюджетга туширилиши лозим бўлган божхона тўловларини истиқбол режасини белгилаб беради.

Ҳозирги пайтда божхона органлари ҳар йили ушбу божхона тўловлари буйича истиқбол режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Ушбу истиқбол режаларини ошириб бажаришга қуйидаги омиллар таъсир этган:

1. Ташқи савдо айланмасини кўпайиши;
2. Товарларнинг божхона қийматини тўғри белгиланиши;
3. Товарларни юз фоиз божхона кўригидан ўтказилиши;
4. Божхона ставкаларининг аралаш ставкаларини жорий этилиши;
5. Валюта курсининг кўтарилиши;

6. Божхона тизимида кадрлар сиёсатини тўғри олиб борилиши ҳамда уларнинг малакасини узлуксиз ошириш омиллари сабаб бўлган.

Умуман олганда божхона тўловларини ундирилишини янада такомиллаштириш ҳамда унинг иқтисодий аҳамиятини янада ошириш учун қуйидагиларни амалга оширишни таклиф қиламан:

- Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисида битимга эга бўлган давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга преференция ва имтиёзларни қўллаш механизмини янада такомиллаштириш;

- жисмоний шахсларга божхона божидан имтиёз қўллашда хос ставкаларни қўлланилишини механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

- божхона бошқармаларида ва ташқи иқтисодий фаолият божхона масканларида товарнинг қийматини ва божхона тўловларидан имтиёзларни тўғри қўлланилиши устидан ўз-ўзини текшириш, босқичма-босқич бир неча поғонали божхона назорати ва божхона расмийлаштируви механизмини ташкил қилиш ва такомиллаштириш;

- божларни қўллашни такомиллаштириш учун импорт қилинаётган баъзи товарларга антидемпинг ва компенсация божлари қўлланилиши механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- жисмоний шахсларга божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёзларни тўғри қўлланишини амалга ошириш учун бу имтиёзларни қўллаш муддатини ишлаб чиқиш.

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини тўғри белгиланиши устидан ишларни янада жонлантириш.

- жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, эркин муомулага чиқарилган ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган товарларни қайта сотиш муддатларини ишлаб чиқиш.

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган товарларни расмийлаштириш бўйича божхона масканлари ходимларини касбий маҳоратини, билим савиясини ошириш ва уларни меъерий ҳужжатлар талабини чуқур эгаллашлари бўйича ишларни янада жонлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” қонуни, 2000 йил 14 декабрь.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилиши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2005 йил 14 июль.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2002 йил 5 август.
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2003 йил 4 февраль.
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2004 йил 24 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

- 4.1. Каримов И.А. Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. – 64 б.
- 4.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.
- 4.3. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 60 б.
- 4.4. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимизнинг гаровидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. – 64 б.
- 4.5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. – 48 б.
- 4.6. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. – 64 б.
- 4.7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
- 4.8. Каримов Т.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
- 4.9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.
- 4.10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 56 б. – Б.ц.

- 4.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.
- 4.12. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – 36 б.

5. Китоб ва туркум нашрлар

- 5.1. Абдурахманов О.К. Налоговая система зарубежных стран. Монография. – М.: Изд-во «Палеотип», 2005. – 356 с.
- 5.2. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Тошкент: Молия, 2003. - 224 б.
- 5.3. Александров И.М. Налоговые системы России и зарубежных стран. – М.: Бератор-пресс, 2002. – 192 с.
- 5.4. Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Тошкент Молия институти, 2003. - 233 б.
- 5.5. Белоусова С.В. Оптимизация и минимизация налогообложения. – М.: Вершина, 2006. – 123 с.
- 5.6. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Тошкент: “Фан”, 2004. – 243 б.
- 5.7. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт / Ўзбек тилига тарж. М.Адилов. – Тошкент: “Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.
- 5.8. Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2004. – 270 с.
- 5.9. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 204 б.
- 5.10. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 32 б.

- 5.11. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Учебник. – 5-е изд., переаб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 509 с.
- 5.12. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. – 128 б.
- 5.13. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш – Тошкент Молия институти, 2005. – 265 б.
- 5.14. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.
- 5.15. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Тошкент Молия институти, 2003. – 247 б.
- 5.16. Ҳайдаров Н.Ҳ. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. – 256 б.
- 5.17. Алиев Б.Х., Абдугалимов А.М. Теоретические основы налогообложения. Учеб. Пособие. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. -159 с.
- 5.18. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 316 б.
- 5.19. Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. – СПб.: Питер, 2004. – 634 с.
- 5.20. Дадашев А.З. Кирина Л.С. Налоговое планирование в организации. – М.: Книжный мир, 2004. – 168 с.
- 5.21. Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишининг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.
- 5.22. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. – Т.: Молия, 2000. – 212 б.
- 5.23. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 84 б.
- 5.24. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдават молияси. / Ўқув қўлланма. - Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2009. – 556 б.

- 5.25. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 244 б.
- 5.26. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 84 б.
- 5.27. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Тошкент: “Шарқ”, 2006. – 480 б.
- 5.28. Черник Д.Г., Морозов В.П. Оптимизация налогообложения. – М.: “Проспект”, 2002. – 336 с.
- 5.29. Бард В.С., Павлова Л.П., Кирова Е.Ф. и др. Налоги в экономической интеграции. – М.: КНОРУС, 2004. -288 с.
- 5.30. Ваҳобов А. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.
- 5.31. Глухов В.В., Дольдэ И.В., Некрасова Т.П. Налоги: теория и практика. Учеб. 2-е изд. – СПб.: Изд-во Лань, 2002. – 448 с.
- 5.32. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси: Ўқув қўлланма. – Тошкент Молия институти, 2004. – 212 б.
- 5.33. Налогообложение / И.А.Завалишина, И.Подольская, Н.Шмакова и др.; Competitive advantage for Central Asia. – Т., 2006. – 212 с.
- 5.34. Поршнев А.Г. и др. Налоговый менеджмент. – М.: ИНФРА, 2003. – 239 с.
- 5.35. Солиқ ислохотлари: изчиллик ва тадрижийлик / О.Абдурахмонов, Б.Кушакаев, Ҳ Сафаров, Б.Тошмуродова, Н.Ҳайдаров. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 40 б.
- 5.36. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680.

- 5.37. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.

6. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

- 6.1. Есмурзаев Ж.Т. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2007. – 20 б.
- 6.2. Жубаев С. Проблемы формирования местных бюджетов. Автореферат дисс. канд. экон. наук. - Ташкент, БФА, 2004. – 20 с.
- 6.3. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореферати. - Тошкент, ДЖҚА, 2005. – 45 б.
- 6.4. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: и.ф.д. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2007. – 40 б.
- 6.5. Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2007. – 22 б.
- 6.6. Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2008. – 38 б.
- 6.7. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2002. – 21 б.

- 6.8. Раджапов У.А. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ механизмини такомиллаштириш: и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2006. – 24 б.
- 6.9. Суванов А. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари: и.ф.н. ...дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2005. – 18 б.
- 6.10. Ташмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2007. – 42 б.
- 6.11. Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2007. – 24 б.
- 6.12. Шарипов Ф.Ғ. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2008. – 20 б.
- 6.13. Эшонов М.Х. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. ... дисс. автореферати. - Тошкент, БМА, 2006. – 22 б.

7. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

- 7.1. Абибуллаев Б. Маҳаллий солиқлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. -№1. -Б.70-71.
- 7.2. Абибуллаев Б. Хотиржамликка ўрин йўқ // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2008. - №3. –Б.42-43.
- 7.3. Абибуллаев Б. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. - №3. – Б.105-109.

- 7.4. Аношкина В., Минибаев Т. Налоги глазами бизнесменов //Экономическое обозрение. – Ташкент, 2005. №7. –С.21-24.
- 7.5. Астапов К. Приоритеты налоговой реформы в Российской Федерации //Экономист. – Москва, 2003. - №2. – С.54-59.
- 7.6. Горский И.В. Налоги в экономической стратегии государства //Финансы. Москва, 2001. - №8. – С.339.
- 7.7. Децентрализация и возможности человеческого развития //Экономическое обозрение. – Ташкент, 2005. - №1. – С.4-14.
- 7.8. Игнатов А.В. Справедливость налогообложения как экономический фактор //Финансы. – Москва, 2005. - №5. – С.50-56.
- 7.9. Ильин А.Е. Налоговый механизм государственного регулирования доходов //Финансы. –Москва, 2005. -№3. – С.16-17.
- 7.10. Косолапов А.И. Специальный налоговый режим для малого бизнеса //Финансы. – Москва, 2006. - №12. – С.35=38.
- 7.11. Мирзаахмедов М. Солиқ ислоҳоти: тизимни соддалаштириш, босимни енгиллаштириш керак... // Солиқ ва божхона хабарлари. – Тошкент, 2005. -№14. –Б.6-7.
- 7.12. Мартин Д. Баъзи солиқлар ҳаддан ташқари юқори /Солиқ ва божхона хабарлари. – Тошкент,2005. -№38. –Б.9.
- 7.13. Ниёзметов И. Солиқ механизмини такомиллаштириш //Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. - №5. –Б. 35-38.
- 7.14. Очилов Ж. Кичик тадбиркорликни солиққа тортиш: халқаро тажриба //Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. - №10. – Б.30.
- 7.15. Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия //Финансы. – Москва, 2006. - №2. – С.42-46.
- 7.16. Тошматов Ш. Адолатлилиқ тамойили //Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2006. -№8. –Б.38-39.

- 7.17. Федорова Е. Фискальное регулирование: расчет фискальных параметров //Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент, 2002. - №3. – С.15.
- 7.18. Эшонов Б., Музафаров Д. В поисках «оптимума» //Экономическое обозрение. – Ташкент, 2006. -№8. –С.8-12.
- 7.19. Эшонов Б., Юсупов Ю. Новый этап налоговой реформы //Экономическое обозрение. – Ташкент, 2006. - №8. –С.12-21.
- 7.20. Яхёев Қ. Юк енгиллашмоқда, аммо... //Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2007. - №2. –Б.34.

8. Хорижий илмий нашрлар ва интернет сайтлари.

- 8.1. Holley Ulbrich. Public Finance in Theory and Practice, Publisher: South-Western College Pub; 2 edition (March 15, 2007), Hardcover: 704 pages.
- 8.2. Jonathan Gruber. Public Finance and Public Policy, Publisher: Worth Publishers (January 5, 2007), Hardcover: 700 pages.
- 8.3. Stephen A. Ross. Essentials of Corporate Finance, Publisher: Irwin/McGraw-Hill (January 2007), Paperback: 500 pages.
- 8.4. Yakshibayev G. Dustov U. Imoll business and its Financial mechanism. The 6 th Int'l Conference among the Nations along the Silk Roads. Kumoh National Institute of Technologi, Gumi Learning Center of Daegu Bank, Daedu, Korea. 2008. 29-2 May-June. 114-p.
- 8.5. Eugene F. Brigham. «Fundamentals of Financial Management». Fifth edition. University of Florida-2000 .

9. Интернет сайтлари:

- 9.1. www.referat.ru - Рефератлар, иншолар, курс ишлари, иқтисод ва бошқалар.
- 9.2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.

- 9.3. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
- 9.4. www.stat.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
- 9.5. www.cer.uz - Иқтисодий тадқиқотлар маркази - Ўзбекистон
- 9.6. [www. cere.tfi.uz](http://www.cere.tfi.uz) - Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази.

10. Статистика ва ҳисобот материаллари.

- 10.1. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. – Тошкент, 2005-2009.
- 10.2. Финансы Узбекистана: статистический сборник – Ташкент, 2005-2009.
- 10.3. Фондовый рынок Узбекистана: итоги 2007 -2012 гг. / Отчет ЦККФРЦБ.

ИЛОВАЛАР.

1-илова

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган МИҚДОРИЙ НОРМАЛАРИ

Товар гуруҳи раками	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товар номи	Божхона тўловлари тўланмайдиган товарларни олиб кириш нормалари (бир шахс учун)
04	0406	Пишлоқ	2 кг дан кўп эмас
09	0901	Кофе	1 кг дан кўп эмас
11	1101	Ун	100 кг дан кўп эмас
15	1507-1514	Ўсимлик мойи	5 кг дан кўп эмас
16	1601	Колбаса	3 кг дан кўп эмас
17	1704	Қандолат маҳсулотлари	3 кг дан кўп эмас
18	1806	Шоколад ва таркибида какао бўлган бошқа тайёр маҳсулотлар	2 кг дан кўп эмас
19	19	Дон, бошокли ўсимликлар, крахмал ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, хамирдан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	5 кг дан кўп эмас
20	20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимликларни қайта ишлаш маҳсулотлари	3 кг дан кўп эмас
22	22 (2207дан ташқари)	Алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва сирка	1 л дан кўп эмас
24	2402	Барча турдаги тамаки маҳсулотлари	Сигареталар, сигаралар, сигариллалар, папирослар 10 кути миқдорида
27	2710	Бензин, дизель ёқилғиси, техник мой ва нефтни қайта ишлашдан олинган бошқа маҳсулотлар	Тайёрловчи корхона ўрнатган транспорт воситасининг стандарт бакида
33	33	Парфюмерия	2 бирликдан кўп эмас

34	3402	Ювиш, тозалаш воситалари	2 кг дан кўп эмас
42	420212, 420310000	Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган маҳсулотлар, мактаб портфеллари ва ранецлардан ташқари	2 бирликдан кўп эмас
	4203	Табиий чармдан тайёрланган кийим ва кийим анжомлари	2 бирликдан кўп эмас
43	43	Табиий мўйнадан устки кийим ва бош кийимлар	2 бирликдан кўп эмас
54	5407-5408	Синтетик ва сунъий комплекс иплардан газламалар	10 п.м. дан кўп эмас
55	5512-5516	Синтетик ва сунъий иплардан газламалар	10 п.м. дан кўп эмас
57	57	Гиамлар ва гиам маҳсулотлари	18 кв. метр, лекин 1 бирликдан кўп эмас
61	61	Машинада ва қўлда тўқилган трикотаж буюмлар	2 бирликдан кўп эмас
62	62	Кийим ва унинг қисмлари	2 бирликдан кўп эмас
63	6301	Кўрпалар	2 бирликдан кўп эмас
	6302	Кўрпа-тўшак жилдлари	4 йиғмадан кўп эмас
64	64	Пойабзал	2 жуфтдан кўп эмас
82	8211, 821210100, 8215	Ошхона анжомлари, пичок, қошиқ, санчқи ва ноасл металллардан ясалган, шу жумладан қимматбаҳо металллар билан қопланган бошқа буюмлар, соқол олиш учун устаралар	1 йиғма, лекин 36 бирликдан кўп эмас
85	8524	Дисклар, дискеталар, кассеталар, грампластинкалар, DVD-дисклар ва шу сингари бошқа ифодаловчилар	1 йиғмадан, лекин 10 бирликдан кўп эмас
91	91	Барча турдаги соатлар	2 бирликдан кўп эмас

Изоҳ: товар тури ёки номи деганда жисмоний шахс олиб кирадиган товар ёки предметнинг кўрсатилган миқдори тушунилади.

Бир маротаба олиб кириладиганда божхона тўловлари тўланмайдиган олиб кириладиган товарларнинг умумий суммаси 50 АҚШ долларини ташкил этади.

БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ СТАВКАЛАРИ

Т/р	Божхона йигими тури	Йигим ставкаси
1.	Қуйидагиларни божхонада расмийлаштирганлик учун:	
	товарлар ва транспорт воситаларини тегишли божхона режимида расмийлаштирганлик учун, транзит, давлат фойдасига воз кечиш, вақтинча сақлаш божхона режимлари бундан мустасно	Божхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақидан кам эмас
	олиб кириладиган буюм (ТИФ ТН коди 1001), қанд-шакар (ТИФ ТН коди 1701)ни, кўриладиган ишлаб чиқариш объектлари учун туркумланган асбоб-ускуналарни божхонада расмийлаштирганлик учун	Божхона қийматининг 0,05 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақидан кам эмас
2.	Транзит божхона режимида божхонада расмийлаштирганлик учун:	
	юкнинг божхона декларациясининг асосий варағи учун	10 еврога тенг миқдорда
	ҳар бир қўшимча варақ учун	5 еврога тенг миқдорда
3.	Эгаси божхона органи бўлган товарларни божхона омборида сақлаганлик учун, суткалар учун:	
	дастлабки ўн сутка мобайнида (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган)	божхона қийматининг 0,1 фоизи миқдорида
	ҳар бир кейинги суткалар учун (тўлиқ, тўлиқ бўлмаган)	божхона қийматининг 0,2 фоизи миқдорида
4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битта транспорт воситасини божхона томонидан қуйидаги масофаларга кузатиб борганлик учун: 200 км. гача 200 км. дан ортиқ (ЎзР ВМ 20.05.2004 й. 239-сон Қарори таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг)	50 еврога тенг миқдорда 120 еврога тенг миқдорда (ЎзР ВМ 20.05.2004 й. 239-сон Қарори таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг)
5.	Дастлабки қарор қабул қилганлик учун	50 еврога тенг миқдорда
6.	Божхона расмийлаштируви бўйича мута- хассисга малака аттестати берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
7.	Божхона расмийлаштируви бўйича мута- хассис малака аттестатининг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
8.	Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатининг амал қилишини тиклаганлик учун	300 еврога тенг миқдорда

9.	Божхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик учун	500 еврога тенг миқдорда
10.	Божхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	500 еврога тенг миқдорда
11.	Божхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) нинг амал қилишини тиклаганлик учун	1000 еврога тенг миқдорда
15.	Товарларни божхонада қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
16.	Товарларни божхона назорати остида қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
17.	Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	150 еврога тенг миқдорда
22.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия) берганлик учун	5000 еврога тенг миқдорда
23.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия)нинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик учун	5000 еврога тенг миқдорда
24.	Божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия)нинг амал қилишини қайта тиклаганлик учун	10000 еврога тенг миқдорда
25.	Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитганлик учун	100 еврога тенг миқдорда
26.	Ходим томонидан товарни белгиланган жойдан ташқарида божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун, битта ходимнинг бир соатлик иши учун:	
	кундузги (соат 9.00-18.00) иш вақтида	5 еврога тенг миқдорда
	иш вақтидан ташқари пайтларда (соат 18.00-9.00), дам олиш, байрам кунлари	20 еврога тенг миқдорда
27.	Олиб келинаётган транспорт воситалари (шу жумладан, вақтинча олиб келинаётганлар)ни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига гувоҳномалар берганлик учун:	
	енгил автомобиллар:	20 еврога тенг миқдорда
	юк автомобиллари, микроавтобуслар ва автобуслар	25 еврога тенг миқдорда
	моторсиз транспорт воситалари (тиркамалар, ярим тиркамалар ва бошқалар)	10 еврога тенг миқдорда
	мотоцикллар, мотороллерлар, мопедлар	5 еврога тенг миқдорда
28.	Юридик шахслар томонидан олиб келинаётган нақд чет эл валютасини божхонада расмийлаштирганлик учун йиғимлар	нақд чет эл валютасининг бир туркуми учун 50 еврога тенг миқдорда

**Ўзбекистон Республикасида 2009-2011 йилларда божхона органлари
томонидан давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари.**

Млрд. сўмда.

№	Тўловларнинг турлари	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
1.	Қўшилган қиймат солиғи	226,38	61,0	291,50	62,0	396,23	59,0
2.	Акциз солиғи	38,82	11,0	47,88	10,5	70,84	10,0
3.	Божхона божи	55,21	14,5	74,68	15,5	103,45	15,0
4.	Ягона божхона тўлови	40,0	10,5	34,35	7,0	68,87	10,0
5.	Даврий божхона тўловлари ва йиғимлари	6,84	2,0	19,94	4,0	32,20	5,0
6.	Давлат мулкига ўтган товарларни сотишдан тушумлар	3,07	1,0	2,44	1,0	3,4	1,0
7.	Ундирилган жарималар	0,27	0	0,17	0	0,27	0
	Жами божхонадан тушумлар	370,59	100.0	470,96	100.0	675,26	100.0

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона статистикаси маълумоти.

